O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

2009 йил, **25** декабрь, жума № **52** (2335). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **25** декабря, **2009** год, № **52** (2335). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

АҚЛ-ЗАКОВАТЛИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТЛИ КИШИЛАРНИ ТАРБИЯЛАЙ ОЛСАК-КИНА, ОЛДИМИЗГА ҚЎЙГАН МАҚСАДЛАРГА ЭРИША ОЛАМИЗ, ЮРТИМИЗДА ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ҚАРОР ТОПАДИ.

Ислом КАРИМОВ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 декабрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавровни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ва барқарор ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Бугун мамлакатларимиз савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳамкорлик қилмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Сергей Лавров самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, икки мамлакат раҳбарларининг учрашувлари доирасида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётганини қайд этди.

Мулоқот чоғида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 23 декабрь куни Оқсаройда Германия Федератив Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Жазоир Халқ-Демократик Республикаси ва Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Вольфганг Нойен, Муҳаммад Воҳид ал-Ҳасан, Рамдан Мекдуд, Владимир Тюрденев ишонч ёрлиқларини топширди.

Давлатимиз раҳбари ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олар экан, элчиларни шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлади, юртимизда бошлаётган миссияларида муваффақият тилади. Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан ўзаро муносабатлари ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Ташқи сиёсат маҳкамаларининг ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш борасидаги сиёсий мулоқотлари фаоллашмоқда. Парламентлар ўртасида ҳамкорлик кенгаймоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда германиялик ишбилармонлар иштирокида тузилган юздан зиёд қўшма корхона фаолият юритмоқда. Германиянинг 60 етакчи фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

– Ўз миссиям даврида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқчиман, – деди Вольфганг Нойен. – Қўшма корхоналар кўпайиб бораётгани бу соҳадаги алоқалар истиқболли эканидан далолат беради.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари тарихий, маънавий-маданий ришталар билан боғланган. Мамлакатларимизнинг бугунги ҳамкорлиги замон руҳига мос равишда ривожланмоқда.

Покистон Ўзбекистонга Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги муҳим шерик сифатида қарайди, мамлакатимиз билан иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беради.

– Мамлакатларимиз ҳам жуғрофий, ҳам маънавий жиҳатдан бир-бирига яқин, – деди Покистон элчиси. – Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг ишончли шерик, деб ҳисоблаймиз. Олий даражадаги ташрифлар асносида имзоланган ҳужжатлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон билан Жазоир ўртасидаги муносабатлар ҳамфикрлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига асосланади. Мамлакатларимиз БМТ, Ислом конференцияси ташкилоти доирасида кўп томонлама ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакатларимиз парламентлари, муайян вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.


Жазоир аҳли Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайди, Бухорий, Термизий каби буюк муҳаддислар ватани сифатида катта ҳурмат билан қарайди.

Ушбу мамлакат элчиси Ўзбекистон-Жазоир иқтисодий ҳамкорлиги катта салоҳиятга эга эканини, хусусан, тоғ-кон, металлургия ва енгил саноатда, нефть ва газни қайта ишлашда самарали ҳамкорлик қилиш мумкинлигини таъкидлади. Ўз миссияси давомида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратишини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар изчил ва муттасил ривожланиб бормоқда. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган.

– Ўзбекистон билан муносабатлар Россия учун алоҳида аҳамият касб этади, – деди Владимир Тюрденев. – Ўзбекистондаги жараёнларни доим диққат билан кузатиб келганман. Хусусан, глобал инқироз шароитида ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш кузатилаётгани таҳсинга сазовордир.

(ЎзА).



Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

Жону жаҳонимсан, озод, ҳур Ватан!

«НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг мажлиси ўтказилиб, унда "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилишини ўрганиш натижалари кўриб чиқилди.

Мажлисда қайд этилганидек, Самарқанд вилоятида мазкур Қонунни ижро этиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Вилоятда лицензия асосида иккита нашриёт ва иккита нашриёт бўлими ишлаб турибди. 2009 йилнинг ўтган даврида "Зарафшон" нашриёти томонидан 34 номда 9,5 минг нусхадан ортиқ бадиий-публицистик, илмий-тарихий, шеърий, насрий асарлар чоп этилди. Самарқанд, Бухоро, Хивanинг тарихий ёдгорликлари ҳамда туристик салоҳияти ҳақида ранг-баранг ва қимматли материалларни ўз ичига олган "Ўзбекистон" рисоласи, Навоий кон-металлургия комбинатининг биринчи гидрометаллургия заводи ишга туширилганлигининг 45 йиллигига бағишлаб сифатли нашр этилган, расмларга бой "Завод – наша судьба" альбом-китоби шулар жумласидандир. 2008 йилда нашриёт 17 миллион 867 минг сўмлик маҳсулот сотди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 23 майдаги қарорига мувофиқ Имом Бухорий халқаро маркази ҳам ноширлик фаолиятини амалга оширмоқда. Марказ 2009 йилда 40 дан ортиқ илмий-диний, тарихий, публицистик асарлар, кенг жамоатчиликка мўлжалланган ўндан ортиқ ихчам китоблар, шунингдек, буюк аждодларимизга бағишланган 5 минг нусхадан ортиқ плакатлар чиқарди.

(Давоми 2-бетда).



4 «ЭНГ ИЛҒОР МУТАХАССИС»

ЕТУК ПРОФЕССИОНАЛЛАР ВА МАРДЛАР БАҲСИ



6 МАСТЕРСТВО

«ГРОМ» НАД ПОЛИГОНОМ



20 ТАШРИФ

САНЪАТ ОСМОНИНИНГ ЗУҲРОСИ



22 СПОРТ

АБДУЛЛА ВА ЖОБИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

ЖАРАЁН

"Сайлов – 2009"

ХОЛИСЛИК – КУЗАТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ МЕЗОНИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этадиган МДҲ Ижроия қўмитасининг кузатувчилари миссияси штаби ишга киришди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида миссия штаби раҳбари, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси – ижрочи котибининг биринчи ўринбосари Владимир Гаркун билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар ва бу борада Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган концепциянинг ижро этилиши ҳақида ахборот берди. Сайлов кампанияси бу соҳадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган миллий сайлов қонунчилигига, унда белгиланган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик каби демократик тамойилларга тўла мос ҳолда ташкил этилди ва ўтказилмоқда.

Суҳбат асносида МДҲ Ижроия қўмитаси кузатувчилари миссияси штаби раҳбари парламентнинг қуйи палатасига сайловда иштирок этадиган сиёсий партиялар, Қонунчилик палатаси депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар учун сайловолди ташвиқотини олиб бориш учун яратилган тенг имкониятлар, сайловчилар рўйхатини тузиш ва аниқлаштириш жараёни, шунингдек, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти янада либераллаштирилиши ва демократлаштирилиши шароитида миллий сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилаётган бу галги сайлов кампаниясининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот олди.

– МДҲ Ижроия қўмитаси кузатувчилари миссияси Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш бўйича ўз вазифаларини амалга оширишга катта масъулият билан ёндашади, – дейди В. Гаркун. – Миссия таркибига 84 нафар кузатувчи киритилган. Сайлов мониторингини амалга ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида улар мамлакатнинг барча ҳудудларида, сайлов округи ва участкаларида фаолият юритади. Миссия бу борада турли мамлакатлардаги сайловлар бўйича амалга оширган 50 та кузатуви давомида тўпланган тажрибага асосланади. Ўз фаолиятимизда биз фақат бевосита кузатув жараёнида олинган маълумотларга асосланамиз. Сайлов жараёнини холис ўрганиш асносида миссиянинг Ўзбекистон парламентининг Қонунчилик палатасига сайловни кузатиш натижалари бўйича якуний баёноти тайёрланади ва сайловнинг эртаси куни тақдим этилади.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

САЙЛОВГА БАҒИШЛАНГАН ЯНГИ НАШРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, уларни миллий сайлов қонунчилигимиздаги ўзгаришлар, сиёсий партияларнинг сайловда иштироки, сайловолди ташвиқотини юритиши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиши ҳамда депутатларнинг сиёсий партиялар ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланиш тартиби ҳамда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа муҳим масалалар билан таништиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда миллий сайлов қонунчилигимизга бағишланган рисолалар туркуми ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Мазкур рисолаларни тайёрлашга ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, сайлов ҳуқуқи соҳаси мутахассислари жалб қилинди. Рисолаларнинг ҳар бири миллий сайлов қонунчилигимизнинг алоҳида жиҳатларига бағишланган.

Масалан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонунчилик ва унинг демократик жиҳатдан такомиллаштирилиши" мавзуидаги рисолада мамлакатимиз парламентига депутатларни сайлаш тартиби ва унинг ҳуқуқий асослари, ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, парламент сайлови тўғрисидаги қонунларнинг мустақиллик йилларида босқичма-босқич такомиллаштирилиши ва аҳамияти очиб берилган. "Сайлов ва сиёсий партиялар" рисоласида юртимиздаги сиёсий партиялар фаолиятининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, жойлардаги давлат ҳокимияти органларига сайловларда иштирок этишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари баён этилган, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги аҳамияти ва ўрни таҳлил қилинган.

"Сайловолди ташвиқоти" рисоласида сайлов кампаниясида сайловолди ташвиқотининг ўрни ва аҳамияти, ҳуқуқий асослари, миллий қонунчиликда ташвиқотни ўтказишнинг асосий қоидалари ва ушбу жараён иштирокчиларига қўйиладиган талаблар, бу борадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ҳамда ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси баён этилган.

"Сайлов ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати" рисоласида мамлакатимизда экология соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкил топиши ва ривожланиши, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг дастурий мақсад ва вазифалари, "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунларнинг айрим нормаларининг мазмун-моҳияти ёритилган.

"Сайлов жараёни ва ошкоралик", "Округ сайлов комиссияси: ташкилий-ҳуқуқий масалалар", "Сайловлар ва оммавий ахборот воситалари", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов: саволлар ва жавоблар", "Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик масалалари", "Парламент сайловига оид атамаларнинг изоҳли луғати", "Участка сайлов комиссиялари: ташкилий-ҳуқуқий масалалар" каби рисолалар қонунчилик меъёрларини тушунтиришга бағишланган.

Умуман, рисолаларда мамлакатимизда сайловни ўтказишга оид асосий тамойиллар, сайлов жараёнига, унинг ошкоралиги ва очиқлигига, халқаро сайлов стандартлари ва уларнинг миллий қонунчилигимизга сингдирилишига оид масалалар кенг ёритилган. Муҳими, барча маълумотлар аниқ ва тушунарли тилда баён этилган.

Мазкур адабиётлар бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда катта амалий аҳамият касб этади. Марказий сайлов комиссияси томонидан барча округ ва участка сайлов комиссиялари ушбу рисолалар билан тўла таъминланди. Ҳар бир фуқаро ўз сайлов участкасида мазкур рисолалар билан танишиш, миллий сайлов қонунчилигимиз ҳақидаги ўз билимини бойитиш ва парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловга оид ўзини қизиқтирган барча саволларга жавоб топиш имконига эга бўлди.

(ЎзА).

«НОШИРЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги қарорларига мувофиқ Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида ҳам ноширлик фаолияти олиб борилмоқда. Мана шу олий ўқув юртларининг нашриёт бўлимлари томонидан илмий-услубий қўлланмалар, илмий монография ва рисолалар, ўқув дастурлари ҳамда илмий асарлар тўпламлари нашр этилмоқда. Чунончи, 2009 йилда СамДУ нашриёт бўлими томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган "Миллий ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари масалалари" деган тўплам ҳамда "Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар" деган услубий қўлланма нашр этилди. Самарқанд давлат чет тиллар институти томонидан 2008 йилда 20 та илмий ва ўқув қўлланмаси нашр этилди, шу йил охиригача эса 40 дан ортиқ китоб нашр этиш режалаштирилган. Институт ўзбек, инглиз ва рус тилларида "Хорижий филология" ("Зарубежная филология") илмий-услубий ва адабий-бадиий журналини ҳам мунтазам чиқариб келмоқда.

Вилоятда 42 та газета ва 6 та журнал чоп этилмоқда. Вилоят ҳокимлиги муассиси бўлган "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари тегишинча ҳафтасига уч ва икки марта чиқиб турибди.

Шу билан бирга мажлисда сенаторлар ушбу Қонуннинг бажарилишидаги мавжуд камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Аҳолиси 3 миллион кишидан ортиқ бўлган ушбу вилоятда ноширлик фаолиятини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, ишлаб турган "Зарафшон" нашриёти зарур моддий базага эга бўлишига қарамай, босма маҳсулотни етарли даражада чиқармаётир, ушбу Қонуннинг 4-моддасини бузган ҳолда монопол мавқени эгаллаб олган ва бу соҳада соғлом рақобатнинг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда. 2008 йил якунлари бўйича ушбу нашриёт томонидан олинган даромад бор-йўғи 82 минг сўмни ташкил этганлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Муҳокама асносида мажлис қатнашчилари вилоятда ноширлик фаолиятини ривожлантириш ва тегишли рақобат муҳитини яратиш, вилоятда ишлаб турган нашриётларнинг моддий базасидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, ноширлик фаолиятининг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш зарурлигини таъкидладилар.

Муҳокама якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг депутатлари, "Зарафшон" ҳамда Имом Бухорий халқаро маркази нашриётларининг, Самарқанд давлат университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти нашриёт бўлимларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, вазирлик ва идоралар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎзА).

АКТУАЛЬНО

В помощь руководителям групп общественно-политической подготовки

ВЫБОРЫ: ВОЗРОСШАЯ РОЛЬ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПАРТИЙ И ПОЛИТИЧЕСКАЯ ЗРЕЛОСТЬ ЭЛЕКТОРАТА

Прошло уже значительное время, а в центре внимания мировой общественности, отечественных и зарубежных СМИ по-прежнему находится доклад Президента страны Ислама Каримова «Конституция Узбекистана – прочный фундамент нашего продвижения по пути демократического развития и формирования гражданского общества», с которым он выступил на торжественном собрании, посвященном 17-летию Конституции Республики Узбекистан. Значение нашего Основного закона огромно. Все эти годы он служил, и сегодня служит прочным фундаментом построения в стране правового, демократического государства, гражданского общества, основанного на рыночных отношениях экономики, создания благополучной жизни для народа, обретения достойного места в мировом сообществе. На его благодатной почве совершенствовались система государственного управления, вся общественная жизнь и наша избирательная система.

Как подчеркнул в своем докладе глава государства, этот год знаменателен тем, что 27 декабря состоятся всенародные выборы в парламент страны и местные представительные органы государственной власти.

Предстоящие выборы знаменуют собой новый этап в динамичных, коренных, качественных преобразованиях общественной жизни страны и избирательной системы, осуществляемых в нашей стране под руководством Президента Ислама Каримова. Они, несомненно, являются большим политическим событием, которое, как подчеркнул глава государства, **определит завтрашний день страны, станет важным этапом на пути достижения высоких целей.**

Основным организатором подготовки и проведения выборов выступает **Центральная избирательная комиссия.** Она, руководствуясь Конституцией страны и возложенными на нее задачами, разработала и приняла **Концепцию по подготовке и проведению выборов в Олий Мажлис Республики Узбекистан, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов,** требования которой неуклонно проводятся в жизнь.

Вместе со всем народом Узбекистана к выборам готовятся и военнослужащие Вооруженных Сил. Наша сегодняшняя форма организации выборов вобрала в себя немало нововведений, которые подняли нашу избирательную систему на качественно новый уровень, сделали ее более демократичной, в полной мере отвечающей интересам общества и государства.

Каковы эти нововведения и в чем основные особенности нынешней избирательной кампании?

Во-первых, это увеличение числа депутатов в Законодательной палате Олий Мажлиса с 120 до 150, избираемых на 5-летний срок. Из них 135 депутатов избираются на основе всеобщего, равного и прямого избирательного права при тайном голосовании по территориальным одномандатным округам на многопартийной основе. 15 депутатских мест квотируются за Экологическим движением Узбекистана. Эта мера, затрагивающая интересы всех граждан страны, обусловлена исключительной важностью в современных условиях вопросов охраны природы и здоровья населения. В ее основе реальный, глубоко продуманный отклик руководства республики на жизненно важную проблему мирового значения.

Депутаты от Экологического движения Узбекистана избираются путем тайного голосования на Республиканской конференции Экологического движения, которая состоится 27 декабря, и приобретают статус депутата Законодательной палаты Олий Мажлиса с момента их регистрации Центральной избирательной комиссией.

Во-вторых, возросшая роль политических партий, повышение их удельного веса в жизни общества. К настоящему времени в нашей стране сложилась оптимальная система политических организаций. Сегодня на арену политической борьбы в качестве организованной и целеустремленной силы выходят Социал-демократическая партия «Адолат», Либерально-демократическая партия Узбекистана, Демократическая партия «Миллий тикланиш», Народно-демократическая партия Узбекистана, имеющие определенный электорат, объединившихся вокруг их программ, целей и способов их достижения.

На основе Конституционного закона «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны», а также в связи с совершенствованием избирательного законодательства, роль и значение политических партий возросли не только как участников избирательного процесса, но в целом как субъекта всей нашей политической системы. Все партии окрепли организационно, более тесной стала их связь с массами, четче и яснее сформулированы их программные цели, текущие и перспективные задачи. Расширились права партий в избирательном процессе. **Выдвижение кандидатов в представительные органы власти осуществляется только от политических партий.** Упразднен институт инициативных групп избирателей. Введен институт «уполномоченного представителя партии». Эта правовая норма является совершенно новой в нашем избирательном процессе. Она означает, что политические партии, выдвинувшие кандидатов в депутаты, имеют право назначить своего уполномоченного представителя для участия в подсчете голосов на избирательном участке. Уполномоченные представители партий могут принимать участие и в процессе проверки Центральной избирательной комиссией правильности составления подписных листов. И последнее, собрание избирателей теперь организуются не участковыми избирательными комиссиями, а проводятся политическими партиями. Это один из важнейших элементов предвыборной политической агитации.

В-третьих. Нынешняя избирательная кампания отличается возросшей ролью Центральной избирательной комиссии. Центризбирком – это независимый орган. Он является главным организующим началом подготовки и проведения выборов, и никому не позволено вмешиваться в избирательный процесс. На недавнем торжественном собрании, о котором уже говорилось, глава государства подчеркнул: **«Самое важное, все участники выборов, кем бы они ни были, должны четко понимать, что постороннее вмешательство в избирательный процесс, любые попытки оказать на него воздействие категорически запрещаются».**

Как известно, любая избирательная кампания не обходится без различного рода наблюдателей. В связи с этим Центризбирком, руководствуясь Законом «О выборах в Олий Мажлис Республики Узбекистан», определила, что во всех мероприятиях по подготовке и проведению выборов, а также в помещениях для голосования в день выборов и при подсчете голосов имеют право участвовать по одному наблюдателю от политических партий, выдвинувших кандидатов в депутаты, представители средств массовой информации, наблюдатели от других государств, международных организаций и движений.

В-четвертых, нынешняя избирательная кампания отличается значительно возросшей политической активностью электората. И это естественно, за годы независимости мы выросли духовно, организационно, более глубоко и осознанно стали понимать свои права и обязанности, выросла наша политическая культура. Граждане Республики Узбекистан стали проявлять больше требовательности к программам и целям партий, методам их осуществления, способам политической борьбы, особенно чувствительны к проблемам единства и сплоченности общества. И надо особо подчеркнуть: **«Самое важное, – говорит Президент Ислам Каримов, – расширяются мировоззрение, мышление и кругозор наших людей, меняется их отношение к жизни и труду, растет осознание сопричастности к происходящим вокруг событиям, чувство гордости за Родину, укрепляется вера в завтрашний день. Этого нельзя не заметить и не почувствовать».**

Все это говорит о зрелости нашего общества. А в зрелом обществе и соответствующий ему электорат, готовый в очередной раз продемонстрировать мировому сообществу свою высокую политическую зрелость и достойную политическую культуру.

Подготовка к выборам, активное участие в ней СМИ дают нам ценнейший материал для духовно-нравственного воспитания наших военнослужащих, формирования у них высокого чувства патриотизма, верности Родине, народу и Президенту. А это значит, что мы должны постоянно совершенствовать формы и методы воспитательной работы, повышать эффективность и действенность всех проводимых воспитательных мероприятий и общественно-политической подготовки.

Несомненно, все военнослужащие, от солдата до генерала, всегда с чувством высокой ответственности, относящиеся к судьбе своей страны и глубоко сознающие огромное, историческое значение предстоящих выборов, примут в них самое активное участие и сделают все от них зависящее, чтобы надежно оберегать мир и спокойствие народа, суверенитет и территориальную целостность нашей любимой, независимой Родины.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ТАНЛОВ

«Энг илғор мутахассис»

ЕТУК ПРОФЕССИОНАЛЛАР ВА МАРДЛАР БАҲСИ

Аввал хабар берганимиздек Қуролли Кучлар бўйича ўтказилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг республика босқичи ўз ниҳоясига етди.

Маълумки, миллий армиямиз қисқа давр мобайнида ўз нуфузи ва ўрнига эга бўлди. Ватанни ҳимоя қилиш фуқароларимизнинг конституциявий бурчигина эмас, шон-шараф ишига айланди. Халқ ва армия якдиллиги янада кучайди. Ҳар бир фуқаро қалбида ўз озод ва обод Ватанидан, халқимиз тинч, фаровон ҳаётидан, яратувчанлик меҳнатидан фахрланиш ҳисси қарор топди.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бугун Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб, замонавий армиянинг посбони нафақат жанговар билимларни пухта эгаллаган бўлмоғи, балки интеллектуал салоҳияти ҳам юксак бўлиши, ҳар жойда, ҳар қандай вазиятда етакчилик қобилиятини намоён эта олиши лозимлиги талаб этилмоқда. Бу жараёнда эса, тинимсиз изланиш, ўз устида ишлаш, билим ва малакани ошириб бориш ҳамда ўқиб-ўрганиш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, посбонларнинг ҳар томонлама етук, ўз касби, мутахассислигининг моҳир устаси, бурчига ва шарафли номига муносиб бўлишида 2004 йилнинг февраль ойида Президентимизнинг Фармойишига кўра Қуролли Кучлар бўйича ташкил этилган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танловининг аҳамияти чексиз.

Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг ўн беш йиллигида Юртбошимизнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида мазкур танлов хусусида шундай дейилади: **«...Бу ишларнинг барчасидан кўзланган бош мақсад — юксак жанговар тайёргарлик ва профессионализмни, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш бўйича қўшинларда ўзаро мусобақа руҳини кучайтириш, сержант ва офицерларда етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдан иборатдир. Шу боис ана шундай танловларни бутун армия миқёсида ўтказиш тажрибасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва кенгайтириш зарур, деб ҳисоблайман. Танловда қатнашадиган ҳарбий хизматчиларни муносиб тақдирлаш тизимини ҳар жиҳатдан такомиллаштириш, яъни танлов ғолибларига муддатидан аввал навбатдаги ҳарбий унвонлар бериш, уларни моддий рағбатлантириш миқдорини ошириш, ҳарбий ўқув юртларига ўқишга киришда улар учун қўшимча имтиёзлар беришни кўзда тутиш даркор».**

Танловнинг мақсади – ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, қўшинларда янгича анъаналарни шакллантириш, юрт посбонлари қалбида танлаган касбига, она Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, юксак жанговар шайликни таъминлашда кичик ва ўрта командирлик бўғинлари лавозимидаги ҳарбий хизматчилар маҳоратини ошириш каби вазифалардан иборат.

Дарҳақиқат, ушбу танлов асл профессионалларни, маҳоратли ҳарбий мутахассисларни кашф этмоқда, уларнинг касбий ва интеллектуал билимлари янада ўсишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Танлов шартларига кўра, **«Энг илғор сержант» номинациясида** – шартнома асосида Қуролли Кучлар сафида бир йилдан ортиқ хизмат қилаётган ҳамда алоҳида тайёргарлик машғулотларида фаол, аъло ва яхши натижаларни қўлга киритиб келаётган сержантлар қатнашди. Улар танловда 3 минг метрга югуриш, автоматдан нишонга отиш, граната улоқтириш, тест синови каби шартлар бўйича куч синашди.

«Энг илғор гуруҳ командири» номинациясида бир йилдан зиёд муддат мобайнида гуруҳ командири вазифасида хизмат қилаётган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида яхши кўрсаткичларга эришган офицерлар ва шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар иштирок этди.

«Энг илғор взвод командири» номинациясида ҳам взвод командири вазифасида хизмат қилаётган ва барча машғулотларда энг юқори натижаларни қайд этиб келаётган офицерлар қатнашиб, гуруҳ ва взвод командирлари 3 минг метрга қурол билан югуриш, автоматдан нишонга отиш, тўсиқлардан ошиб ўтиш, тест каби йўналишлар бўйича беллашдилар.

«Энг илғор батальон командири» номинациясида эса батальон командири ва уларга тенг лавозимларда хизмат қилиб келаётган ҳамда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида яхши кўрсаткичларга эга бўлган офицерлар иштирок этди. Иштирокчилар 5 минг метрга югуриш, пистолетдан нишонга отиш, турникда машқ бажариш ҳамда тест синови бўйича баҳс олиб боришди.

Шунингдек, танлов давомида **«Энг илғор қисм командири» номинацияси** бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Танловнинг жорий йилдаги республика босқичи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, барча округлардан биринчи ва иккинчи босқичларда ғолибликни қўлга киритган офицер ва сержантлар фаол иштирок этишиб, бор куч ва имкониятларини ишга солиб, ўз маҳорат ва билимларини намоён қилишиб, илғорликка интилишди.

Танлов иштирокчилари учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

– Бир неча йилдан буён ўтказилиб келинаётган «Энг илғор мутахассис» танловининг республика босқичида бизнинг округ ташкилотчи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди офицер Шокир Дўсчанов. – Танловнинг юқори савияда ўтиши учун иштирокчиларнинг яшаш шароитлари, овқатланиш, дам олишларини яхши ташкиллаштирганмиз. Ётоқхоналар, ўқув хоналари замонавий тарзда жиҳозланган.

«Энг илғор сержант» номинацияси бўйича иштирокчилар отиш майдончасида 1-ўқув назорат машқини бажаришмоқда. Нишон 200 метр узоқликдаги масофага ўрнатилган. Кичик командирлар ётган ҳолда автоматдан нишонни мўлжалга олишмоқда. Бунда барча иштирокчиларнинг профессионаллиги яққол кўзга ташланиб турибди. Улар бир-бирларидан қолишмаган ҳолда нишонларга аниқ отишмоқда. Энг юқори кўрсаткичларни Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ вакили кичик сержант Қаҳрамон Худойқулов ва Тошкент ҳарбий округи иштирокчиси кичик сержант Авазбек Мардиевлар қайд этишди.

– Ушбу танловнинг республика босқичида иштирок этаётганимнинг ўзи мен учун катта шарафдир, – дейди кичик сержант А. Мардиев. – Мана биринчи шартдан муваффақиятли ўтдим. Ҳали олдинда яна бир қатор шартлар бор. Албатта, маҳоратим ва билимларим панд бермайди, деган умиддаман. Мақсадим бор имкониятимни ишга солиб, ўз касбий маҳоратимни намойиш этиш ва ғолибликни қўлга киритишдир.

Шунингдек, Чегара қўшинларидан кичик сержант О. Азимов ва Қоровул қўшинларидан сержант Б.Жўраевлар ҳам отиш машқини юқори натижалар билан якунлашди.

(Давоми 5-бетда).











ОГОҲЛИК

КЎНГИЛЛИ ЎТСИН

Мана, 2009 йил охирлаб, янги йил кириб келмоқда. Табиийки, шу муносабат билан мамлакатимизнинг барча гўшаларида жумладан, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва ташкилотларда ҳам бу байрамга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Байрам муносабати билан барчамиз уйимизда, ишхонамизда ва жойларда арча безаймиз. Янги йилни осойишта ўтказишимиз учун қуйидаги қоидаларга амал қилишимиз керак:

– арчаларни асосан хавфсизлик қоидалари ва талабларига риоя қилган ҳолда, ёнғин хавфсизлиги ходимлари билан келишиб ўрнатиш ва безаш;

– арча байрамларини иккинчи қаватдан юқори бўлган хоналарда ўтказиш қатъиян ман этилади;

– байрам бошланишидан олдин электр жиҳозларнинг созлиги, бинонинг бирламчи ўт-ўчириш воситалари билан таъминланганлиги, захира эшиклари очиқлигига катта эътибор беринг.

Арча байрами ўтказилаётганда қуйидагилар қатъиян ман этилади:

– хона чироқларини тўла ўчириш;

– турли олов чиқарувчи мосламалардан фойдаланиш;

– ёнғинга қарши ишлов берилмаган пахталар билан арча тагини безаш;

– 36 вольтдан юқори бўлган токда ишловчи чироқлар билан арчани безаш;

– чекиш мумкин бўлмаган жойларда чекиш.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пиротехника воситаларини олиб кириш, сотиш, сотиб олиш ва улардан фойдаланиш қатъиян ман этилган.

Асосийси, арча байрами ўтгунга қадар масъул шахслар тайинланиб, улар томонидан хавфсизликни таъминлаш доимий назорат қилиниши керак.

Мудофаа вазирлиги Ёнғинга қарши кураш ва қутқарув ишлари бўлими барчангизни кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, хонадонларингизда тинчлик ва тотувлик ҳукм суришини тилайди.

Подполковник Ойбек ПАРМАНҚУЛОВ.

ҲАРБИЙЛАР ФАОЛ ҚАТНАШДИ

2009 йилнинг 23 ноябридан 23 декабригача мамлакатимизнинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Бу муҳим тадбир кузнинг охири ва қишнинг бошланиши даврида ташкил этилишининг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, кунлар совуши билан фуқароларимиз иситиш мосламаларидан фойдалана бошлайдилар. Ташвишли томони шундаки, носоз, ишлатишга яроқсиз газ ва электр иситиш асбобларидан фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Шу сабабли, тадбирдан кўзланган асосий мақсад аҳолининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини таъминлаш билан бир қаторда давлат ва жамоат мулкини ўт балосидан асраш.

Ёнғин халққа, давлатга улкан зарар етказади, инсонлар ҳаётига хавф солади. Шундай экан, давлат ёки шахсий мулкимизга моддий зарар етказмаслик учун ва инсонлар ҳаётини хавф остида қолдирмаслик учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўла риоя қилиш шарт. Ҳозирги кунда оловдан тўғри фойдаланиш мақсадида турли тадбир ва чоралар кўрилмоқда. Жанубий-ғарбий махсус ҳарбий округига қарашли қўшилма, ҳарбий қисм, муассаса ва ташкилотларда ҳам ёнғин хавфсизлиги ойлиги кўтаринки руҳда ўтказилди.

Ёнғинга қарши кураш ва қутқарув ишлари хизмати ходимлари гарнизонлар ҳудудида мавжуд ҳарбий объектларда ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этишда ва ҳарбийлар ўртасидаги тадбирларда фаол иштирок этдилар. Мактабгача таълим муассасалари ходимлари ва ҳарбийларнинг оила аъзолари учун ўтказилган тадбирлар ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

Майор О. ИСМОИЛОВ,
округ ёнғинга қарши кураш ва қутқарув ишлари хизмати бошлиғи.

ХАВФСИЗЛИГИМИЗ – ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Шимоли-ғарбий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» доирасида «Хавфсизлигимиз – ўз қўлимизда» номли тадбир ўтказилди. Унда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

– Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги борасидаги билимларини ошириш, бирламчи ўт ўчириш воситалари ва уларни қўллаш, ёнғин содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларидан хабардор қилиш, – дейди гарнизон ёнғин хавфсизлиги нозири капитан Жаҳонгир Жуманазаров. – Унутмаслик жоизки, ёнғин хавфсизлигига бўлган эътибор нафақат ойлик давомида, балки доимий равишда сусайтирилмасагина кўзланган натижага эришамиз.

Тадбир давомида ёнғин содир бўлишига олиб келувчи асосий сабаблар ва уларнинг олдини олиш бўйича йўл-йўриқлар, айнан қандай иситиш ускуналари ва электр жиҳозларидан фойдаланиш мумкинлиги ва бошқа кўплаб масалалар тўғрисида фойдали маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, ҳарбий қисм штатдан ташқари ўт ўчириш гуруҳи командири, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар М.Раҳмонов бошчилигидаги шунқорлар кўргазмали машғулот ўтказиб, бирламчи ўт ўчириш воситаларини қўлладилар, шартли равишда ёнғинда жароҳат олган беморларга тиббий ёрдам кўрсатдилар.

Капитан Тўлқин ХУДОЙНАЗАРОВ.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фақатгина тегишли хизмат ходимларининг иши бўлибгина қолмай, балки ҳар бир офицер, сержант ва аскар, ишчи-хизматчилар ва фуқароларимиз учун ҳам бажарилиши лозим бўлган долзарб ва энг муҳими, доимий вазифадир.

Маълумки, қиш фаслининг бошланиши ҳамда ҳаво ҳароратининг кескин пасайиши билан уйларда, бино ва иншоотларда иситиш мосламалари қўлланилади.

Ташвишли томони шундаки, айрим фуқароларимиз томонидан қўлбола, ясама ва ностандарт электр ва газ иситиш мосламаларидан фойдаланиш ва уларни қаровсиз қолдириш ҳоллари учрайди. Бу эса ёнғин содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Барча ҳарбий қисм, муассасаларда ҳамда ўз хонадонларимизда ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги тадбир ва қоидаларга амал қилишимиз талаб этилади:

– электр тармоғига уланган электр дазмол, электр иситиш ускуналари ва бошқа электр мосламаларини ишлатишда электр жиҳозларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;

– қўлбола, ясама, ностандарт электр ускуналаридан фойдаланмаслик. Агар электр симлари изоляцияси эскирган ёки емирилган, розетка ва патронлар носоз ҳолатда бўлса, дарҳол бу камчиликларни бартараф қилиш;

– газ плитаси устида кир қуритиш ва унинг яқинида енгил ёнувчан ва ёнувчан суюқликларни сақламаслик;

– уйда газ ҳидини сезиб қолсангиз, тезда дераза-ларни ҳамда эшикларни очиб, хонани шамоллатиш, асло очиқ аланга ва электр чироқларини ёқмаслик (бу портлашга олиб келади);

– телевизор, радио ва бошқа электр анжомларни назоратсиз қолдирмаслик;

– хоналарда ҳамда тўшакда ётган ҳолда сигарет чекмаслик;

– асосийси, уйда ёш болаларни қаровсиз қолдирмаслик ва уларнинг гугурт билан ўйнашига йўл қўймаслик;

– бино ва бино чордоқларида ёнувчи материалнинг тўпланишига йўл қўймаслик, барча захира ва чиқиш йўлларини очиқ сақлаш;

– ёнғин содир бўлганда, 01-рақамига қўнғироқ қилиш ва дарҳол бирламчи ўт ўчириш воситалар билан ёнғинни ўчиришни бошлаш.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали сиз ёнғиннинг келиб чиқишини бартараф этган, давлат ва шахсий мол-мулкингиз, яқинларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Майор Э. АҲМЕДОВ,
Чирчиқ гарнизони ёнғинга қарши кураш ва қутқарув ишлари хизмати бошлиғи.

Месячник пожарной безопасности

ОТ ВОИНСКОЙ ЧАСТИ ДО ДЕТСКОГО САДА

Во всех частях и учреждениях Министерства обороны подводятся итоги месячника пожарной безопасности, проведенного в Узбекистане на основании постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан с 23 ноября по 23 декабря 2009 года.



В его ходе на всех объектах Министерства обороны, в войсковых частях, организациях, высших военно-образовательных учреждениях, школах подготовки сержантов, а так же в дошкольных образовательных учреждениях было проведено большое число пожарно-профилактических мероприятий. Активно проводилась и разъяснительная работа с военнослужащими, служащими и членами их семей.

При работе в воинских частях главное внимание уделялось воспитанию у личного состава пожарных команд и подразделений пожаротушения высокой бдительности и инициативы, чувства ответственности за сохранность вверенного им имущества. Проведенные проверки показали, что пожарные команды в Вооруженных Силах Республики Узбекистан обеспечены всеми необходимыми современными средствами пожаротушения и пожарной техникой.

В ходе тренировок личный состав пожарных подразделений показал высокий уровень пожарно-технической подготовки личного состава, умелое применение пожарной техники и первичных средств пожаротушения. Постоянная готовность к тушению пожаров предъявляет высокие требования к составу пожарных команд. Чтобы успешно вести борьбу с пожарами и обеспечивать надежную противопожарную защиту на вверенных объектах от состава пожарных расчетов, требуются решительные действия по борьбе с огнем. Мероприятия, проведенные в ходе месячника, во многом способствовали росту профессионального мастерства пожарных.

Успешное выполнение задач по тушению пожаров на объектах требует от каждого гражданина не только соблюдения профилактических мер, но и умения правильно действовать в критической ситуации. Это было хорошо видно на примере проведенного Службой противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона занятия по эвакуации детей при возникновении условного пожара в дошкольном образовательном учреждении № 12. В его ходе обслуживающему персоналу были разъяснены требования пожарной безопасности, а затем проведены практические занятия по противопожарной безопасности.

При объявлении команды «УСЛОВНЫЙ ПОЖАР» коллектив ДОУ № 12 во главе с заведующей служащей М. Ахмедовой выполнил задачу на оценку «отлично», своевременно проведя эвакуацию детей, вызов пожарной команды и первичные меры тушения.

Что помогло сотрудникам данного учреждения действовать быстро и решительно, организованно и дисциплинированно? Прежде всего большая профилактическая, подготовительная и разъяснительная работа, проведенная с персоналом данного учреждения по предупреждению пожаров и наведению уставного порядка. С этой целью здесь были выпущены запоминающиеся красочные агитационные плакаты, которые вывешены на видных местах. Руководством учреждения в полном объеме были разработаны документация и план противопожарной защиты, расчет сил средств, привлекаемый для тушения пожара, а также инструкции по мерам пожарной безопасности на каждую детскую группу.

А самое главное – много времени и внимания уделено работе непосредственно с детьми. Так, к примеру, в группах были проведены конкурсы рисунков, посвященные месячнику пожарной безопасности. Просмотрев рисунки, которые сотворены руками детей, задумываешься, ведь у каждого ребенка свой характер, своя семья и свое восприятие мира.

Это особенно актуально сегодня, накануне новогодних праздников. Каждый из родителей хочет, чтобы его дети на этом празднике радовались и веселились. Однако некоторые из них, не задумываясь о последствиях, делают своим чадам весьма опасные подарки пиротехнического содержания – хлопушки, фейерверки и так далее.

Опыт проведения новогодних праздников свидетельствует, что подобные подарки могут привести к весьма печальным последствиям. Любая пиротехническая смесь при срабатывании отличается быстрым выделением большого количество тепла и газообразных продуктов. Причем, в момент взрыва вещество сгорает с такой большой скоростью, что проконтролировать его действия невозможно, и это может привести к возгоранию и пожару.

Служба противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона благодарит всех, кто принял активное участие в проведении месячника пожарной безопасности, и напоминает перед новогодними праздниками: выполните свой гражданский долг – не приобретайте игрушки пиротехнического содержания, сберегите здоровье своих детей и близких!

Сержант Мурод МАТСАФАЕВ,
старший инструктор службы противопожарной защиты и спасательных работ Ташкентского гарнизона.

БАРКАМОЛ АВЛОД

ЮКСАК ИШОНЧГА САДОҚАТ БИЛАН

Мен Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг тўртинчи курсида таҳсил оламан. Бу ерда бизнинг ҳарбий касб сирларини мукаммал эгаллашимиз учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биз таҳсил олаётган даргоҳ ҳақида юртдошларимиз ҳам яхши биладилар. Билим юртимиз курсантлари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган «Ўзбекистон конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» деб номланган маърузасини катта қизиқиш билан тингладик.

Шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтсам арзийдики, мамлакатимизда биз ёшларга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ёшлар ҳам бундай эътибор ва ғамхўрликни юксак қадрлаб, юрт ишончини, халқ ишончини муносиб оқлашга интилмоқдалар. Ақлу заковатлари билан дунёга чиқаётган ёшлар, бунёдкорона меҳнатлари билан юрт тараққиётига ҳисса қўшаётган ёшлар, она Ватан ҳимоясига бел боғлаган ёшлар юксак ишончни шараф билан оқламоқдалар.

Маърузани тинглар эканман, Юртбошимизнинг, халқимизнинг бизга нақадар катта ишонч, умид боғлаётганларидан беихтиёр тўлқинланиб кетдим. Қуйидаги сўзларга барча тенгдошларим эътибор қаратишларини истардим: «Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак – биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди».

Ҳа, бундай эътибор бизни мамлакат тараққиёти йўлида янада улкан ишларга илҳомлантиради. Биз мамлакатимиз Президентининг маърузасини она юрт фаровонлиги, равнақи, осудалиги йўлида янада садоқат билан хизмат қилишга даъват, деб англадик. Ва бу даъватга ҳамиша садоқат билан жавоб қайтарамиз.

Курсант Равшан ХУДОЙБЕРДИЕВ.

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

1848 yilda Tyuringiya (Germaniya)ning Laush shaharchasida dastlabki archa sharlari ishlab chiqarila boshlandi. Ular shishadan yasalgan bo‘lib, ichidan simob yuritilar, tashqarisidan esa bezak berilardi. Bora-bora laushlik ustalar o‘z hunarlarini haqiqiy san’at darajasiga olib chiqishgan. Xullas, ular salkam yarim asr mobaynida mazkur sohaning mutlaq monopolistlari bo‘lib keldilar. Ammo XX asr arafasida Yevropaning turli burchaklari, AQSH va Yaponiyada ham archa bezaklarini ishlab chiqarish bilan shug‘ullanadigan qator korxonalar paydo bo‘ldi.

Bugungi kunda esa bu biznesning o‘ziga xos sohasiga aylangan.

БЕКАТ

СКАНВОРД



Тартиб сенинг муқаддас мақсадинг бўлсин. Сен бу мақсад йўлида астойдил хизмат қил. Чунки тартиб ҳамма нарсанинг асосидир. Табиатнинг мавжудлиги негизида ҳам тартиб ётади.
Пифагор

ГАЗЕТАНИНГ 51-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Иммунитет. Ўч. Гладиолус. Алвон. Купе. До. Шу. Аквариум. Асир. Тоат. «Лада». Лоф. Шар. Тур. Те. Титр. Сут. Олам. Миср. Ой. Асл. Танака. Кино. Саф. Ака. Асорат. Дил. Бархан. Ним. Қад.
БЎЙИГА: Эчкемар. Гугуш. Мададкор. Илова. Улов. Ун. Тус. Гумашта. Кул. Атир. Атлетика. Дармон. Фтор. Су. Йод. «ИЛ». Лутф. Сакрама. Атлас. Исириқ. Туман. Дон. Синф.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ГОРОСКОП



Для вас эта неделя обещает положение лидера практически в любом окружении. Начало недели располагает к командировкам и путешествиям. Удачное время для начала любого дела, как важного, так и незначительного. А вот от рискованных предложений во второй половине недели желательно отказаться.



Постарайтесь в любой обстановке сохранять спокойствие. Ни в коем случае не ввязывайтесь в авантюрные дела и сомнительные проекты. Отношения с надежными партнерами улучшатся и обернутся заметными сдвигами в деловой и личной жизни. В выходные постарайтесь забыть о делах и провести время в обществе старых друзей.



Успех непременно придет к вам, но только если вы приложите максимум усилий к его достижению. Не стесняйтесь проявить интеллектуальные способности. Если перед вами встанет проблема выбора, лучше спросить совета у друзей и родственников. Не пытайтесь выполнить работу, которой занялись в одиночку.



Настало время для наращивания активности в сфере профессиональной деятельности. Также неделя неплоха для творческих изысканий. Вам предоставится возможность наладить любые связи и контакты, какие только пожелаете. Задумайтесь о предстоящих «каникулах».



Пора начинать дарить подарки. Самое время заняться бумажными и организационными делами. Вам необходима спокойная обстановка – только тогда вы сможете решить многие накопившиеся проблемы. Не стоит смущаться, если перед вами встанет какая-то преграда – она вполне преодолима.



На этой неделе не стоит бросаться с головой в рискованные мероприятия. Постарайтесь соблюдать особую осторожность во всем, что связано с обещаниями. Стоит обращать внимание на знаки судьбы. Ваш благородный поступок по отношению к деловым партнерам оценят по достоинству.



Нынешняя неделя благоприятна для налаживания важных связей. Часть внимания вам придется переключить на решение проблем зависящих от вас людей. Поступит долгожданная информация, которая сильно вас порадует и предоставит новые возможности для самосовершенствования.



У вас на этой неделе появятся как склонность к витанию в облаках, так и иллюзорные представления о своих способностях. Если у вас что-то не получится, смотрите на вещи реалистично и надейтесь только на себя – тогда ничто вам не сможет испортить хорошее настроение.



На этой неделе вам придется отстаивать свои интересы без посторонней помощи – используйте свой жизненный опыт. Если приняли решение, то не стоит потом прислушиваться к советам знакомых. В выходные дни вас может порадовать новая информация. Постарайтесь выделить немного времени для домашних дел.



Вас могут ожидать на этой неделе приключения или таинственные события. Стоит оградить себя от излишней работы, а также применить все свое обаяние для достижения карьерных высот, если, конечно, вы не найдете ему лучшее применение. Не исключены открытия и позитивные перемены.



На этой неделе хорошее настроение и душевный подъем позволят вам быстро и легко разрешить сложные профессиональные вопросы. Не стремитесь объять необъятное, так как желание переделать одновременно большое количество дел может привести к переутомлению.



Когда резкое слово будет готово сорваться с вашего языка, подумайте о возможных последствиях. Только ваша выдержка сможет удержать события в мирном русле. Вы сумеете обратить невыгодную ситуацию в полезную для себя, если дадите себе труд подумать перед тем, как действовать или говорить.

Табассум



МЕНИМЧА...

Мактабдан келган ўғил отасига деди:

– Дадажон, менимча сиз ўқитувчимга жуда ёқиб қолганга ўхшайсиз!

– Нега бундай деяпсан?

– Чунки улар сизни яна кўриш учун мактабга чақиртирдилар...

7 КУНДАН БЕРИ

Автобусда:

– Ҳурматли йўловчилар, йўл ҳақини тўламаганлар пул ва карточкаларни тайёрланг. Ҳўш, яхши қиз, чиптангиз борми?

– Мана.

– Ия, бу эски чипта-ку!

– Менга қаранг, етти кундан бери эски бўлмаган чипта бугун эскириб қоладими?!

ШАРТ ЭМАС

Ота қизи билан суҳбатлашмоқда:

– Қизим, қанча-қанча совчилар келишди. Ҳаммасига «йўқ» деяпсан. Нима, оқ отда келадиган шаҳзодани кутаяпсанми?

– Дадажон, аввало, йигит ақлли, кўнгли тоза, мард инсон бўлсин. Машинаси эса оқ бўлиши шарт эмас...

ЭСИНГДАМИ?

Икки оғайни қизғин суҳбат қурди:

– Соливой, агар сен дарёга қармоқ ташласанг-у, унга олтин балиқ илинса, нима қилар эдинг?

– Ўйлаб ўтирмасдан дарҳол дарёга қайтариб отиб юборардим.

– Вой, нега?

– Эҳ, дўстим, анави эртакдаги чолнинг аҳволи эсингдами?!

АФСУСКИ...

Ходим янги лавозимга тайинланган ҳамкасбини табриклади:

– Қобилжон, табриклайман, янги бошлиқнинг ўнг қўли бўлган эмишсан.

– Ҳа, бўлишга бўлдиму, лекин у чапақай экан-да...

ХАВОТИР ОЛМАНГ

– Бўлақол, мактабга кеч қоласан, – деди она ўғлига.

– Хавотир олманг, ойижон. Мактабимизнинг эшиги кечгача очиқ туради.

С. ПЎЛАТОВ тайёрлаган.

Гиннесс китоби рекордлари



Эмма Уотсон Голливуднинг энг кўп ҳақ тўланадиган актрисасига айланди. Гарри Поттер ҳақидаги фильмларда Гермиона ролини ижро этган ёш юлдуз фильм прокатга чиқарилган 2001 йилдан буён 5,4 млрд. доллар маблағни қўлга киритган. Ушбу кўрсаткич билан у Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин эгаллади.



BETC EUR RSCG агентлиги томонидан яратилган «Эвиан» сувини реклама қилувчи видеоролик Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Мазкур ролик онлайндаги энг оммавий рекламага айланди – 2009 йил июлидан буён уни 11,3 млн. марта томоша қилишган.



Келаси йил март ойида ит қўшилган чаналар ўртасида Мурманскдан Норвегия, Швеция орқали ўтиб Финляндияда якунланадиган, умумий масофаси 3000 км бўлган мураккаб пойга ўтказилади. Унинг барча иштирокчилари автоматик тарзда Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олади. Ҳозирча унда иштирок этиш истагини 12 жамоа билдирган.

ДУНЁ НАФАСИ


ПЕКИНДА «МЕТЕОРИТ ЖАЗАВАСИ» БОШЛАНДИ



Пекинда яшовчи кишилар Хитой пойтахтининг шарқий ҳудудига келиб тушган осмон жисмини қидирмоқдалар. РИА «Новости» хабар беришича, бу ҳодисани кўпчилик шаҳарликлар шахсан кузатишган ва бу борадаги ўз фикрларини интернет орқали баён қилишган. Ҳодисага гувоҳ бўлмаганлар эса буни «Трансформерлар учиб келди» қабилидаги ҳазилга йўйишган.

Аммо кейинроқ Пекин обсерваторияси мазкур муассасага тегишли кузатув камераси орқали суратга олинган икки сонияли съёмкани намойиш этиб, метеорит тушганлиги ҳақидаги маълумотларни тасдиқлади. Баъзи гувоҳлар ҳам осмон жисмини суратга олишга муваффақ бўлишган. Ҳозирда гувоҳлик кўрсатмалари ва воқеа ҳақидаги кадрларни тўплаш ишлари бормоқда. Пекинда ҳақиқий «метеорит жазаваси» бошланган: кўпчилик осмон жисмини қидиришга тушиб кетган. Метеорит Байхуашань номли тоғли ҳудудга тушган, аммо фалакиётшунослар унинг аниқ жойини айтишга қийналмоқдалар. Қидирув ишлари давом этмоқда.

«АҚЛЛИ» БАНК КАРТАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ



Жанубий кореялик бир гуруҳ конструкторлар Live Checking Card деб номланган «ақлли» банк пластик карточкасини ишлаб чиқдилар. Ушбу янгилик реал вақт режимида мижознинг банкдаги ҳисоби ҳолатини банкомат ёки банк муассасаси сайтига мурожаат қилмаган ҳолда тўғридан-тўғри пластик карта бўйича назорат қилиш имконини беради, деб хабар қилади «Интерфакс» blog.gcoins.ru ресурсига таянган ҳолда. Ушбу карточка оддий пластик бўлаги бўлмай, инновацион сенсорли дисплейни ифодалайди. RFID технологиялари воситасида Live Checking Card тўловлар тарихи ва банкдаги ҳисоб ҳолатини кузатиб бориш имконини беради. Бунда маълумотлар ҳар бир навбатдаги транзакциядан сўнг тўғридан-тўғри дисплейга чиқиб келади. Қуёш қуввати янги пластик карта учун тўйиниш манбаи бўлиб хизмат қилади. Лимит ошиб кетганида карточканинг чеккалари мовий ранг нур таратиб, ҳисоб ошиб кетгани ҳақида сигнал беради.

ГУБЕРНАТОР БИЛАН СУҲБАТДАН СЎНГ



Архангельск шаҳрида бош янги йил арчаси чироқларини тантанали ёқиш маросими фавқулодда вазиятлар хизмати ходимларини чақириш билан якунланди. Маълум қилинишича, уларнинг ёрдами мазкур арча устига чиқиб олган яшил дарахтзорлар ҳимоячисини тушириш учун зарур бўлиб қолган. «Маҳаллий халқ орасида Древарх номи билан таниқли бўлган Андрей Христофоров баландлиги 25 метр бўлган арчанинг устига симлар ва пластик шохчаларга тирмашган ҳолда чиқиб олган. Сўнгра мегафон орқали жамоатчиликка қадимий янги йил анъанаси – яшил арчалар кесилишидан норози эканлигини билдириш учун шу ишга қўл урганини етказишга ҳаракат қилган», – дейилади минтақавий ФВВ матбуот хизмати хабарида. Воқеа содир бўлган жойга Архангельск вилояти губернатори Илья Михальчук ва шаҳар мэри Виктор Павленко етиб келган. Минтақа раҳбари уяли телефон орқали Христофоров билан суҳбатлашганидан сўнг табиат ҳимоячиси пастга қайтиб тушган.

БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛИНИНГ ТАШАББУСИ



Бельгия қироли Альберт II уй-жойи йўқ икки оилага совуқ мавсум бошланганлиги сабабли Сьернон қироллик қасридан хоналар ажратиб беради, деб хабар қилади РИА «Новости» La Capitale газетасига таянган ҳолда.

Сўнгги йилларда маҳаллий матбуот қиролни иқтисодий инқироз даврида яхта ва виллалар сотиб олиш учун катта миқдорда пул сарфлаётгани учун танқид остига олган эди. Энди эса Альберт II бошига мусибат тушган кишиларга ёрдам беришга тайёрлигини намойиш этиши учун сабаб топилди. Бельгия қироли биринчи маротаба бундай ташаббус билан чиққан.

Оилаларни қасрга жойлаштириш билан бевосита ижтимоий интеграция бўйича давлат котиби Филипп Курар шуғулланади. Ҳар бир оилага қиш вақтида биттадан квартира берилади. Ҳозирча бу оилалар қандай танланиши маълум қилинмаган.

НЕФЕРТИТИ ТАРИХИЙ ВАТАНИГА ҚАЙТАДИ



Миср ҳукумати яқин вақт ичида Германиядан XX аср бошида мамлакатдан қалбаки ҳужжатлар воситасида олиб чиқиб кетилган Нефертити маликаси тасвирига эга бўлган ҳайкалчани тарихий ватанига қайтариш борасида расмий талаб билан чиқиш ниятида, деб хабар беради РИА «Новости» Мисрнинг ўтмиш ишлари бўйича Олий кенгаши раҳбари Захи Хавасснинг баёнотига таянган ҳолда. Унинг айтишича, 3,3 минг ёшга тенг бўлган ушбу бебаҳо ҳайкалча 1924 йилда Миср жанубидаги Амарна шаҳридан Германияга қалбаки ҳужжатлар ёрдамида олиб кетилган, кейин эса Берлин музейи томонидан сотиб олинган. «Берлин Нефертити ҳайкалчаси ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилгани ҳақидаги далилларга эга эканлигини тасдиқлади, демак эндиликда фақат ушбу ёдгорликни ватанига қайтариш бўйича расмий ишларни амалга оширишимизгина қолди холос», – дейди Заки Хавас.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ САДОСИ САЙЁРАМИЗ

САЙЁРАМИЗ САДОСИ



Текширув натижалари эълон қилинди

Парламент комиссияси Саян-Шушенск ГЭСида содир бўлган ҳалокат сабабларини ўрганиш натижалари бўйича ўз маърузасини тақдим этди. Хусусий текширув ўтказган комиссия ҳалокатга олиб келган вазиятлар юзага келишига 20 киши алоқадор, деган хулосага келган. Улар орасида бош директор, бош муҳандис ва бошқа станция раҳбарлари, таъмирлаш ишлари ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатига жавоб берувчи техник хизматлар ходимлари бор. Бундан ташқари, ГЭСга ускуна ва жиҳозлар, шу жумладан автоматикани етказиб берган ташкилотлар ҳам фожиага алоқадорликда айбланмоқда, деб хабар қилади ИТАР-ТАСС агентлиги. Давлат думаси раиси Борис Грызлов 150 саҳифадан иборат мазкур маъруза думанинг 25 декабрда бўлиб ўтадиган йиғилишида кўриб чиқилишини маълум қилган.



Номаълум сабабларга кўра

Хорватияда содир бўлган пассажир поезди ҳалокати натижасида 50 нафарга яқин киши турли жароҳатлар олган. Ҳозирча номаълум бўлган сабабларга кўра поезд состави рельслардан чиқиб кетган ва Хорватия пойтахти Загреб шаҳрининг бош темир йўл вокзалига яқин жойдаги бетон тўсиққа келиб урилган, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Фавқулодда ҳодиса натижасида поезд машинисти ва бир неча ўнлаб йўловчилар госпиталга жойлаштирилган. Госпиталь вакилининг хабар беришича, ҳалокат вақтида яраланганлардан фақат биттаси оғир аҳволда. Ҳалокат сабабларини аниқлаш бўйича тергов ишлари давом этмоқда.



Чекловлар сақланиб қолади

Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) нефтнинг ҳозирги баҳосидан қониқади ва уни қазиб чиқариш даражасини ўзгартириш ниятида эмас, деб баёнот берди ОПЕК президенти ва Ангола нефть вазири Хосе Мария Ботельо де Васконселос. Бу ҳақда Bloomberg агентлиги хабар қилган. Ҳиссасига дунёда қазиб чиқариладиган нефтнинг 40 фоизга яқини тўғри келадиган ОПЕК мамлакатлари вакиллари ташкилотнинг навбатдаги йиғилишини Ангола пойтахти Луандеда ўтказишди. ОПЕК сессияси кўп йиллик фуқаролар уруши тугаганидан сўнг дунё нефть бозоридаги аъзолардан бирига айланган ушбу Африка давлатида биринчи бор ўтказилди. Ҳозирги вақтда нефть қазиб олиш бўйича квота (чеклов) бир суткада 24,845 млн баррел даражасида белгиланган.



Компьютер бозори тиклана бошлайди

IDC компанияси таҳлилчилари шахсий компьютерларни етказиб бериш даражаси келаси йилда 10,3 %, 2011 йилда эса 12 %га ошишини тахмин қилмоқдалар, деб хабар беради Infox.ru. Бундай хулосага келиш учун эса 2009 йил III чорагида эришилган натижалар сабаб бўлган. Дунё бўйича шахсий компьютерларни етказиб бериш даражаси мазкур даврда ижобий томонга ўзгарган ва кетма-кет уч чоракдаги пасайишдан сўнг 2,3 фоизга ошган. Худди илгаригидек, портатив (ихчам) компьютерлар ижобий ўсишнинг асосий омилига айланган. Бу борадаги ўсиш ўтган йилдагига нисбатан 33,5 фоизни ташкил этган.



Навбатдаги узоқ муддатли экспедиция

Бойқўнғирдан учирилган навбатдаги фазовий кема экипажи аъзолари – Олег Котов, NASA астронавти Тимоти Кремер ва Япониянинг Jaxa фазовий агентлиги астронавти Соити Ногути Халқаро фазовий станциядаги 22-узоқ муддатли экспедиция экипажи таркибига бориб қўшиладилар. Орбитада россиялик Максим Сураев ва NASA астронавти Жеффри Уильямс ҳам қўшиладиган халқаро МКС – 22/23 экипажи олдига кўплаб мураккаб вазифалар қўйилган. Учта «Прогресс» юк кемаларини қабул қилиш ва юкларни тушириб олиш, учта шаттл экипажлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш, очиқ фазога чиқиш, май ойида орбитага етиб келадиган Россиянинг МИМ-1 тадқиқотчилик модулини улаб олиш ва илмий дастурга киритилган 50 та тажрибани ўтказиш шу вазифалар орасига киради.



Беш миллиард евродан ортиқ

Португалиянинг Futebol Finance нашри ЖАРда бўлиб ўтадиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида иштирок этувчи ҳар бир жамоа футболчиларининг тахминий нархини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказди. Бу ишга ФИФА эксперталари, шунингдек, скаутлик хизматлари вакиллари жалб этилди. Бунда ҳар бир терма жамоанинг ўтган даврдаги саралаш турнири ва ўртоқлик ўйинларида иштирок этган 25 нафар футболчисининг умумий қиймати ҳисобга олинди, деб ёзади «Спорт-экспресс». Ҳисоб-китобларга кўра, ЖЧ-2010да қатнашувчи барча 32 жамоа футболчиларининг умумий қиймати 5,5 миллиард еврога тенг бўлган. Энг қиммат жамоалар Испания (565 млн.) Бразилия (515 млн) ва Франция (450 млн) деб топилган.

(www.NEWSru.com).

ТАНЛОВ

(Давоми. Боши 4-бетда).

Бу пайтда взвод командирлари 3 минг метрга қурол-аслаҳа билан югуриш шартида куч синашмоқда эди.

– Мазкур шартнинг натижаларидан кўриниб турибдики, – дейди Мудофаа вазирлиги масъул офицери, кўрик-танлов ташкилий қўмитаси аъзоси Зафар Раҳмонов, – иштирокчилар катта тайёргарлик кўришган. Югуриш йўлагида турли баландлик ва қайрилишлар мавжуд. Бу ўз навбатида ҳарбий хизматчидан юксак жисмоний тайёргарликни талаб қилади. Натижалар биз кутганимиздан ҳам зиёд бўлгани ҳарбийларимизнинг баркамол ўғлонлар эканлигини яна бир бор намоён этди.

Бу шартда Марказий ҳарбий округ офицери А. Ҳамидов, Тошкент ҳарбий округидан офицер М. Мусурмонов, Шимоли-ғарбий ҳарбий округ вакили офицер Ш. Жалилов биринчилардан бўлиб маррага етиб келишди ва жисмоний тайёргарлик бўйича қай даражада етук эканликларини исботлашди.

Яна отиш майдончасига қайтамиз. Бу ерда батальон командирлари пистолетдан ўқ отиш машқини бажаришмоқда. Офицерлар тик турган ҳолда, пистолетни бир қўлда ушлаб нишонларни мўлжалга олишмоқда.

– Пистолетдан нишонга отиш анчагина маҳорат ва тажриба талаб қилади, посбондан, – дейди танлов комиссияси аъзоси офицер Абдували Ҳамроев. – Диққатни бир жойга жамлаб, қўл ҳаракати ва нафас олишни уйғунлаштириш лозим. Мусобақада қатнашаётган офицерлар бир неча йиллик тажрибага эга, шунинг учун улар бу шартдан муваффақиятли ўтишмоқда.

Пистолетдан отиш шартида офицерлар – Р. Камолов, Ш. Ғаниев, Х. Маҳмудов, Ҳ. Раҳимов ўз маҳоратларини кўрсатиб, юқори балл йиғишга муяссар бўлишди.

Танловнинг иккинчи куни. Гуруҳ командирлари тўсиқлардан ошиб ўтиш машқини бажаришмоқда. Бу шартда посбонларнинг чаққонлиги, эпчиллиги ва жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилади. 100 метрлик масофага югуриб борилади ва қайтишда бир неча тўсиқлардан ошиб ўтилади. Бу ҳол бир вақтнинг ўзида икки марта такрорланади. Иштирокчиларнинг ҳаракатларини кузатар эканмиз, уларнинг ўзига ишонч, шижоат билан олдинга интилаётганликларига гувоҳ бўлдик.

Ушбу шартда офицерлар – И.Миравазов, Ж. Султонов, Ҳ. Бойболаев, М. Тўхтаназаров, Ж. Хуррамов, Д. Бобомуродов, Х. Умаров, Ж. Қорабоев, М. Абзалов, И. Раҳмонов юқори натижани қайд этишиб, эпчиллигу чаққонлик бобида қанчалик маҳоратга эга эканликларини кўрсатишди.

– Биринчи ва иккинчи босқичлардан муваффақиятли ўтиб, республика босқичига етиб келдим, – дейди офицер М.Тўхтаназаров. – Бунинг ўзи бўлгани йўқ, албатта. Тинимсиз меҳнат, ўзимдан катта, тажрибали офицерлардан олган билим ва малакаларим асқотмоқда. Мана тўсиқлардан ошиб ўтиш шартида юқори кўрсаткичга эришдим. Бу муваффақият олдиндаги бошқа шартлардан ҳам яхши натижаларга эришишимга руҳлантирмоқда.

Югуриш майдончаси. Бу ерда «Энг илғор сержант» номинацияси иштирокчилари 3 минг метрга югуришмоқда.

Ушбу шартда кичик сержантлар – Б. Раҳматов, Б. Гоноров, А. Қобилов, Ж. Холдоров, Ж. Алланиязов, Ж. Бакиров, О. Аллаяров, А. Қурбонов, У. Рустамов, Р. Усенов маррага биринчилардан бўлиб етиб келишди ва илғорлар сафидан жой олишди.

– Мен десантчилар қисмида хизмат қиламан, – дейди кичик сержант А. Қурбонов. – Танловда қатнашиш учун анча меҳнат қилдим, ўз устимда тинимсиз ишладим, тажрибали офицерлардан зарур билимларни эгалладим. Шу боис икки босқичдан муваффақиятли ўтиб, учинчи босқичга етиб келдим. Армиянинг таянчи ва суянчи бўлган биз кичик командирларга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг билан бирга кучли билим ва маҳорат талаб этилмоқда. Бунга муносиб бўлмоқ учун кўпроқ ўқиш ва изланиш керак. Шундагина биз билдирилаётган юксак ишончни оқлай оламиз. 3 минг метр масофага югуриш шартида юқори натижани қайд этдим. Отиш машқида ҳам яхши кўрсаткичга эришган эдим. Бошқа босқичлардан ҳам муваффақиятли ўтиб, ғолиблик сари ҳаракат қиламан.

Отиш майдончаси. Бу ерда взвод командирлари автоматдан нишонга отиш машқини бажаришмоқда. Нишон 200 метрлик масофада жойлашган. Иштирокчилар турган, ётган ва ўтирган ҳолда отишади. Нишонни мўлжалга олиш вақти ётган ҳолда 15 секунд, ўтирганда 20 секунд ва тик туриб отганда 25 секунддан иборат.

Ушбу шартда офицерлар – Н. Сайфуддинов, А. Голышев, А. Ҳамдамов, М. Ялгашев, Ш. Жалилов, Х. Азимов, А. Набиев, А. Мирзалиев, Ф. Хожиматов, Ж. Саъдуллаев қуролдан нишонга отиш бўйича қанчалик маҳорат ва тажрибага эга эканликларини намоён қилишди ҳамда юқори натижаларни қайд этишди.

Яна югуриш майдончасига қайтамиз. Бу ерда батальон командирлари 5 минг метрга югуриш шартини бажаришмоқда. Югуриш паст-баландликлардан иборат майдонда амалга оширилмоқда.

Бу шартда офицерлар – З. Мавлонов, Ш. Холмуҳаммедов, О. Ильмияминов, М. Матякубов, З. Хазиев, Х. Маҳмудов, Р. Камолов, Ж. Дадажонов, О. Толипов, С. Ҳайитов маррага биринчилардан етиб келишиб, жисмоний тайёргарликларининг қанчалик юқори даражада эканлигини кўрсатишди.

– Мен ушбу танловда бир неча бор қатнашиб, яхши натижаларга эришиб келаяпман, – дейди офицер О.Ильмияминов. – Бу каби танловларнинг ўтказилиши биз ҳарбийларнинг касбий маҳоратимиз ва интеллектуал салоҳиятимиз ошишида муҳим роль ўйнамоқда. Нафақат танловда қатнашиш, балки бу ерда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчилардан яна нималарнидир ўрганишимиз мумкин. Шартлардан муваффақиятли ўтиб, илғорликни эгаллашга бор куч ва ғайратимни аямасдан ҳаракат қилаяпман.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, офицер О.Ильмияминов мазкур кўрик-танловнинг 2006 ва 2008 йилги республика босқичида ҳам фаол иштирок этиб, ўз номинацияси бўйича 1-ўринни қўлга киритган.


Шунингдек, танлов иштирокчилари ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, тактика, жанговар тайёргарлик, Умумҳарбий низом қоидалари бўйича тест синовларини топшириишиб, интеллектуал салоҳиятларини намойиш қилишди.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, «Энг илғор сержант», «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири», «Энг илғор батальон командири», «Энг илғор қисм командири» номинациялари ғолиблари аниқланди. Ғолиблар ҳақида газетанинг навбатдаги сонларида маълумот берилади.

Кўрик-танловнинг сўнгги кунида иштирокчилар маданий ҳордиқ чиқаришлари учун турли тадбирлар ташкил этилди. Футбол бўйича ўтказилган мусобақада Чегара қўшинлари жамоасига 1-ўрин, иккинчи ва учинчи ўринлар Марказий ҳарбий округ ҳамда Тошкент ҳарбий округи жамоаларига насиб этди. Шунингдек, санъаткорлар томонидан ижро этилган шўх куй ва қўшиқлар, рақслар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Кичик сержант Аҳрор ОЧИЛОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Муаллиф суратга олган.





МАСТЕРСТВО

Дню защитников Родины – наши успехи в боевой учебе

«ГРОМ» НАД ПОЛИГОНОМ

На днях на одном из окружных полигонов с большим успехом завершился лагерный сбор артиллерии Вооруженных Сил Республики Узбекистан. В ходе полевых занятий воины артиллерийских подразделений смогли прочно закрепить на практике полученные за учебный год знания и навыки.

РАСТУТ НАШИ ГЕРОИ!

Победителя конкурса по стрельбе и управлению огнем артиллерии, традиционно проводимого на страницах газеты «Ватанпарвар», майора Нурпейиса Сарибаева мы встретили на огневой позиции самоходного дивизиона. Офицер в роли огневого посредника осуществлял контроль над правильностью выполнения всех команд, поступающих с командно-наблюдательного пункта (КНП) дивизиона.

– Всегда с удовольствием читаю вашу газету, – тепло отозвался он о родном издании. – Для меня газета «Ватанпарвар» памятна еще тем, что я стал лауреатом конкурса по знанию Общевоинских уставов Вооруженных Сил, будучи еще лейтенантом.

Приятно осознавать, что замеченный газетой тогда молодой офицер со временем вырос в победителя конкурса по итогам 2008 года, прошел путь от командира огневой группы до начальника артиллерии войсковой части. Растут наши герои!

Самоходная артиллерийская батарея старшего лейтенанта Марата Сатарова вела огонь с закрытой огневой позиции по выявленным целям условного противника. Командир орудия младший сержант Шерзод Аширов четко доводит установки на цель.

– Прицел 369, уровень 314, доворот правее 0–14, основному один снаряд, взрыватель осколочно-фугасный!

Наводчик САУ рядовой Абдурасул Даминов и заряжающий рядовой Эльдар Нугманов сноровисто и уверенно действуют в тесной башне самоходной артиллерийской установки. Чувствуется, что огневой расчет хорошо потрудился в течение всего учебного года над слаженностью действий. И теперь эта боевая работа приносит свои плоды. Одного пристрелочного выстрела основного орудия оказалось вполне достаточно для нахождения цели, находящейся вне пределов прямой видимости. С КНП дивизиона следует команда залпом всей батареи подавить условного противника. Все три самоходки гулко ухают выстрелами, и вскоре из командного пункта следует сообщение: цель подавлена первым же залпом!

Пользуясь моментом, когда в боевой работе возникает небольшая пауза до следующей цели, знакомимся с воинами передового расчета. Рядовой Абдурасул Даминов из кишлака Маданият Пахтаабадского района Андижанской области.

– Уже семнадцать снарядов отстреляли! – гордо докладывает наводчик. И потом смущенно добавляет, – хочу остаться на службу по контракту, написал рапорт по команде. Поэтому каждый меткий выстрел только приумножает мои шансы на положительный ответ.

В батарее развернулось острое состязание между огневыми расчетами. И здесь самые высокие результаты показывает сводный расчет орудия под командованием сержанта Шерзода Амирова. Сам командир орудия прошел обучение на обоих курсах в школах подготовки сержантов военных округов, да и у него помощники подобрались маститые. За наводчика орудия действовал сержант Рустам Хусанов, а заряжающим был младший сержант Олим Чориев. Наличие таких расчетов, которые составлены из мастеров меткого огня, только подстегивает остальной личный состав к достижению высоких результатов в стрельбе.

ВСЯ ОГНЕВАЯ МОЩЬ – В ДЕЙСТВИИ

Уничтожать противника на большом удалении, без потерь личного состава наших подразделений, предназначены батареи дальнобойных самоходных артиллерийских установок. Командир батареи одной из таких мощных установок капитан Шерзод Юсупов в течение одного дня обеспечил подавление целого ряда плановых и неплановых целей.

– Например, цель 103-ю, группу «боевиков», мы уничтожили залпом с расстояния в 14,5 километра, – рассказывает старший офицер батареи старший лейтенант Икром Мухаммадиев. – А «минометную батарею» на удалении в 12,2 километра поразили тремя снарядами. Для «вертолета на посадочной площадке» хватило и вовсе одного снаряда, хотя цель находилась на удалении 10,8 километра.

Надо отдать должное мастерству наших артиллеристов, которые даже при ведении огня с закрытых огневых позиций на таких больших расстояниях метко поражают цели первыми снарядами. В этом успехе вместе со старшим офицером батареи (СОБ) есть доля труда и вычислителя младшего сержанта Нодира Холмуродова. В ячейке СОБ буквально за считанные минуты производятся самые сложные подсчеты, исходя из координат, полученных с КНП дивизиона.

Как раз в этот момент зазвонил полевой телефон. Радиотелефонист стал бодро передавать данные:

– Цель сто первая, «вертолет на посадочной площадке», снаряд осколочно-фугасный, заряд третий, прицел 362, уровень 30–17, левее 0–07, основному один снаряд, зарядить.

Командир основного орудия младший сержант Анвар Мавлонов четко и быстро вносит коррективы в установку прицела. По словам опытного младшего командира, по нормативам положено до пяти снарядов на пристрелку орудия по цели. Однако реально артиллеристы так наладили боевую работу, что нередко уже после первой поправки они точно накрывают цель, после чего следует залп всей батареи.

СОЗДАНЫ ВСЕ УСЛОВИЯ

Месячный полевой выход артиллерии Вооруженных Сил – это не только дневные и ночные стрельбы, хорошая возможность проверить в деле огневой потенциал вооружения и техники, повысить боевую выучку огневых расчетов орудий. Это и многотрудная работа по полному обеспечению всем необходимым прибывших военнослужащих, подвозу боеприпасов.

С учетом зимних условий в этом году принято решение: расселить личный состав не в палаточном городке, а в стационарных спальных помещениях окружного полигона. Это повысило нагрузку на хозяев полигона, но они с честью справились с задачей. Например, в наш приезд был оперативно доставлен обед на позиции самоходной батареи, в таком же ритме решались все вопросы снабжения.

– Хочется отметить, что вопросы охраны и обороны военного городка решались в строгом соответствии с требованиями приказов Министра обороны и начальника Объединенного штаба Вооруженных Сил, – подчеркнул представитель Управления артиллерии офицер Владимир Цой. – То есть личный состав был озабочен не только тем, как разместить, накормить и обеспечить досуг участников лагерного сбора, но и надежной охраной всего лагеря.

В свете того, что непростая обстановка требует от всех нас высокой бдительности и боевой настороженности, акцент именно на вопросах охраны и обороны военного городка представляется вполне оправданным. Вот и мы при переездах с одной огневой позиции на другую, прибытии на КНП, проезжали через посты охраны с несущими службу часовыми.

... Когда солнце уже садилось за горизонт, небо над командным пунктом вдруг озарилось от осветительных снарядов. Это очередной дивизион артиллеристов из подразделения кавалера медали «Содик хизматлари учун» офицера Шарофитдина Бахронова начал подготовку к ночным стрельбам. Днем и ночью, не зная устали и без передышек, воины артиллерийских подразделений повышали боевое мастерство на полигоне. Это был их воинский подарок к нашему общему празднику, восемнадцатой годовщине Вооруженных Сил, ко Дню защитников Родины.

Майор Аблай КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**




МАЛАКА

Сборы военнослужащих ремонтных подразделений

ПОВЫШАЮТ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ МАСТЕРСТВО

В эти дни на базе одного из предприятий Министерства обороны проходят сборы младших специалистов подразделений обслуживания и ремонта автомобильной техники. В ходе сборов указанная категория военнослужащих повышает свое профессиональное мастерство и выучку с тем, чтобы поднять на новую высоту качество выполняемых ремонтно-восстановительных работ.



С участниками сборов ежедневно, согласно утвержденному расписанию, проводятся теоретические и практические занятия. Например, с лекцией об устройстве армейских автомобилей, их назначении, особенностях эксплуатации и видах ремонта выступил заместитель начальника предприятия по качеству офицер Жалол Хаётов. Особенности ремонта силовых установок и силовых агрегатов довел технолог предприятия офицер Оловуддин Тангиркулов. О неисправностях системы питания двигателя и путях их устранения рассказал служащий Вооруженных Сил Руслан Раупов, системы охлаждения – младший сержант Ёкубжон Абдумуминов.

– Прибывшие на сборы специалисты и командиры секций в основном обладают богатым практическим опытом по своей профессии, – говорит начальник сборов офицер Ж. Хаётов. – Однако это не уменьшает необходимости постоянного пополнения багажа теоретических знаний и практических навыков.

В день нашего приезда участники сбора как раз трудились на рабочих местах, осваивая технологию ремонтных работ. Сержант Абдухаким Рашидов вместе с товарищем занимался разборкой двигателя автомобиля. Еще один из военнослужащих производил покраску прошедшего ремонт такого же двигателя в соседнем цехе. Прибывший из СЗВО младший сержант Кадирбай Тореев с большим удовольствием выполняет сварочные работы, а другому его коллеге больше по душе заняться ремонтом дверцы машины. Одним словом, все поглощены практическим участием в производственном процессе.

– В войсковых частях нам приходится выполнять ремонтные работы в условиях парка боевых машин, иногда в передвижной авторемонтной мастерской, – делится впечатлениями младший сержант Юнус Аннаев, прибывший из ЮЗОВО. – А здесь нам в деле показывают всю технологическую цепочку, от начала ремонта и до выхода машины с предприятия.

– Конечно, когда имеется все необходимое оборудование, намного комфортнее выполнять ремонтно-восстановительные работы, – подключается к беседе младший сержант Бахтиёр Пулатов, прибывший из ЦВО. – Однако в реальных условиях войсковой части гораздо чаще приходится делать ремонт в полевых условиях, на полигоне или марше. Так вот, здесь нас, в том числе, учат и приемам выполнения операций с применением инструмента и подручных средств, своими силами.

– Технический прогресс не стоит на месте, – добавляет свое мнение младший сержант Сухроб Норимбаев, приехавший из ВВО. – Всегда бывает полезно побывать на современном предприятии, в очередной раз увидеть использование технических новинок. Я даже понимаю, что пока не все из увиденного нам удастся перенять в нашей войсковой части, но новые знания, опыт всегда останутся со мной и пригодятся в дальнейшем.

Представителю зенитного подразделения младшему сержанту Азизу Каримову участие в сборах помогает в профессиональном плане покорить новую вершину мастерства, а общение с коллегами обогащает опытом.

– Личный состав проявляет большой интерес к изучению особенностей производственного процесса, – подводит итог нашей встречи заместитель начальника сборов офицер Эльдар Аджумеров. – Начиная от мойки, выявления дефектов, разборки, ремонта и до выхода готовой машины с предприятия – вся большая и кропотливая работа большого коллектива проходит перед их глазами, они сами участвуют в ней. Этот опыт бесценен.

Вскоре эти военнослужащие вернутся в свои войсковые части. Там они смогут эффективно применить в деле полученные знания и навыки, чтобы еще больше повысить уровень боевой готовности военной автомобильной техники и вооружения, в целом боевую готовность наших Вооруженных Сил.

Шопулат ТУРДИЕВ.
Фото **автора.**

Сержантлар – армиямиз суянчи ва таянчи

ШАРАФЛИ КАСБНИ ЭЪЗОЗЛАБ...

Бугуннинг посбони. Унинг зиммасида ниҳоятда улкан масъулият, улуғвор вазифалар юки бор. Бу юк қанчалар залворли бўлмасин, Ватан ҳимоясига бел боғлаган марду майдонларнинг қаддини буколмас. Чунки уларнинг қалбларидаги чўғ, оташ, юрт қўришга бўлган иштиёқ бунга йўл бермайди.

Кичик сержант Ўктам Бозорбоев Наманганнинг Уйчи туманидан. Уч қиздан сўнг тилаклар мустажоби бўлиб туғилган ўғлон хонадонга ўзгача файз, хушнудлик олиб келди, десак хато бўлмайди. Ота-она: «Оиламизни, элимиз ва юртимизни ҳимоя қиладиган шунқоримиз бор энди!» дея суюнишди. Қавму қариндош унинг улғайиб, ҳақиқий мард, жасур ўғлон бўлиб камол топиши ҳақида тилак билдиришди.

Йиллар ўтди. Ўғлон улғайиб, оила юмушларига яраидиган, ота-онанинг оғирини енгил қиладиган бўлди. Маҳаллада ҳам ўзининг хулқи, одоби билан танилди. Зокиржон ака ва Қундузхон опа фарзандлари туфайли олқиш, миннатдорчилик эшитиб, қувонгандан-қувонишарди.

Халқимизда ажойиб бир анъана бор. Қайсики хонадонда ўғил вояга етаётган бўлса, уни болаликдан аскар бўлишга қизиқтиришади, қулоғига боболар ўгитларини қуйиб борадилар. Шу боис ҳам бу заминда камол топган ҳар бир эр йигит Ватанга шараф билан хизмат қилишни, аждодлар анъанасини давом эттиришни орзу қилади.

Лавҳамиз қаҳрамони ҳам болаликдан ҳарбийликка меҳр қўйди, ҳамиша эгнига ҳарбий либос кийиб, Ватан ҳимоясига ўз ҳиссасини қўшишга ҳавас билан улғайди. Ана шу эзгу ният мактабни битириб, қўлига етуклик гувоҳномасини олган пайтда уни зиммасидаги конституциявий бурчни адо этишга ундади.

Она эмасми, фарзанди армияга бормоқчи экани ҳақида айтганида, Қундузхон опа ёлғиз ўғлини ҳечам бағридан узоқлаштиришни истамай, бунга унчалик рўйхушлик бермади. Зокиржон ака эса Ўктамнинг бу қароридан боши кўкка етгудек қувонди, берган ўгитлари, тарбияси зое кетмаганига шукрона келтирди. Ниҳоят, ота-бола биргалашиб, онанинг кўнглига йўл топдилар, унинг-да розилигини олдилар.

Миллий армиямиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташга киришган илк кунларданоқ шижоатли ўғлон соҳага қизиқиши, Умумҳарбий низомларни пухта ўрганишга бўлган иштиёқи, машғулотларда фаоллиги билан сафдошларига ҳар томонлама ибрат бўлди. Жанговар, ижтимоий-сиёсий ва жисмоний тайёргарлик машғулотлари орқали устоз офицерлар ва сержантлардан профессионал ҳарбий хизматчи билиши лозим бўлган кўплаб билимларини ўрганишга, ҳарб илми сирларини ўзлаштиришга муваффақ бўлди. Назарий машғулотлардаги фаоллик, ўз устида ишлаш эса посбоннинг маҳорати сайқал топишига хизмат қилди, десак янглишмаймиз. Дала-ўқув машғулотларида олган сабоқларини янада мустаҳкамлади, билимларини синовдан ўтказди.

Муддатли ҳарбий хизмат ўғлоннинг дунёқарашида катта ўзгариш ясади. Армияда посбонларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар, соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга гувоҳ бўлгач, қалбидаги шарафли соҳага бўлган қизиқиш, оташ янада зўрайди. Натижада муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддати якунлангач, шартнома бўйича хизматга қолишга аҳд қилди.

Отасидан бу тўғрида маслаҳат сўраганида, у ҳам ўғлининг қарорини қўллаб-қувватлади. Отанинг далдаси унга янада куч бахш этди. Бу эса Ўктамнинг мақсадига эришиш учун жорий этилган синовларда юқори натижаларни қўлга киритишига хизмат қилди.

Айни пайтда Қуролли Кучларимиз сафида ўқчи вазифасида хизмат қилаётган посбонни ҳарбий жамоада барча ҳурмат қилади. Маҳоратли кичик командир соҳа сирларини яхши эгаллаган, зиммасига юклатилган вазифани сидқидилдан адо этишга одатланган. Шартнома асосида фаолиятини бошлаганига ўн йилдан зиёд вақт ўтса ҳамки, ҳануз ўқиш-изланишдан, ўз устида ишлашдан чарчамайди. «Ҳарбийлик – уфқлари узоқ-узоқларга туташ бир илм, уни мен саҳифаларининг саноғи йўқ қалин китобга ўхшатаман, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Ўрганган сари ўргангинг келаверади, қанча кўп билганинг сари ҳали билмайдиганларинг жуда кўп эканлигини англайсан. Бу эса қалбингда иштиёқни кучайтиради, ҳаётга, касбга бўлган қизиқишни орттиради».

– Кичик сержант Бозорбоев ҳарбий қисмимиздаги энг илғор, касбий малакаси юксак сафдошларимиздан, – дейди гуруҳ командири офицер А. Мирзаев. – Кичик командир машғулотлар чоғида посбонларга шунчаки сабоқ беришни истамайди, балки ўқув режасига киритилган мавзу хусусида тўлақонли маълумот беришга, тингловчи учун қизиқарли ахборотларни тўплашга, бу орқали уларда соҳага қизиқишни шакллантиришга ҳаракат қилади. Хизмат вазифаси, юклатилган топшириқларни ўз вақтида адо этишдан ортиб, билимларини бойитишга ҳам вақт топа оладиган ана шундай посбонларнинг борлиги бизнинг энг катта ютуғимиз, десам хато бўлмайди.

Ҳа, инсонни улуғлайдиган, унинг қадру қимматини юксалтириб, ўзгалар эҳтиромига сазовор қиладиган нарса – бу, шубҳасиз, меҳнат. Лавҳамиз қаҳрамони ҳам кўп йиллик меҳнати, Ватан тинчлигини сақлаш йўлидаги мардонавор хизматлари учун ҳам ҳарбий жамоада ҳурмат қозонган. Ўйлаймизки, интилувчан, сергайрат посбоннинг келгуси фаолияти бундан-да мазмунли, ютуқларга бой бўлади.

Мансур СОБИРҚУЛОВ.

МАШҒУЛОТ

Қуролли Кучларимизнинг 18 йиллигига

МАҲОРАТ САЙҚАЛЛАНАДИГАН МАЙДОН



Мамлакатимиздаги олий ҳарбий ўқув даргоҳлари орасида Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг алоҳида ўрни бор. Мазкур билим юрти Қуролли Кучларимиз сафини ҳарб илмининг билимдони бўлган иқтидорли офицерлар билан бутланишида муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Қуйида билим юрти курсантларининг бир гуруҳи ҳақида тўхталиб ўтамиз.

...Бу ерда дала-ўқув машғулотлари ўтмоқда. Курсантлар мазкур машғулотларга билим юрти ўқув залларидаёқ назарий асосда тайёргарлик кўришган. Буни уларнинг уюшган ҳолда, ҳар ким ўз вазифасини аниқ ва бекаму кўст бажараётганлигидан ҳам билса бўлади.

Бугунги машғулот отиш тайёргарлиги бўйича. Уни отиш тайёргарлиги фани ўқитувчиси майор Ҳакимжон Холиқов олиб бормоқда. Даставвал курсантларга хавфсизлик қоидалари бўйича йўл-йўриқлар кўрсатилди ҳамда қисқа назарий машғулот бўлди. Ана шундан кейингина амалий машғулотларга ўтилди.

Қисмларга ажратилган қуролларни йиғиш учун қисқа вақт белгиланган. Курсантларнинг барчаси мазкур машқни ғоят эпчиллик ва аниқлик билан белгиланган вақтда бажардилар. Энди қулай позицияни эгаллаш керак. Қулай позиция – бу ярим ғалаба дегани. Йигитлар бу борада ҳам маҳоратли эканликларини кўрсатдилар. Бу бехато урилган ҳаракатдаги нишонларда ҳам акс этди.

Тунги отиш машғулотлари ҳам худди шундай муваффақият билан ўтди. Бундан ташқари қисқа масофага отиш машғулоти ҳам курсантлар орасида сара мерганлар кўплигини кўрсатди. Бу ҳақда отиш тайёргарлиги фани ўқитувчиси устоз офицер Ҳакимжон Холиқов шундай дейди:

– Бундай муваффақиятга эришиш учун нафақат назарий ва амалий машғулотларда фаол иштирок этиш, балки курсантнинг ўз устида изланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугунги амалий машғулотда курсант Аҳлиддин Мўминжоновнинг кўрсаткичлари таҳсинга сазовор. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатида машғулотга жиддий тайёрланган кўриниб турибди. Мерганлик бобида курсант Давлат Қодиров, кичик сержантлар – Абдулло Эшонқулов, Ғанишер Абулқосимовни ҳам ўрнак қилиб кўрсатиш мумкин. Мазкур курс билим юртида ҳам илғор, ташаббускор, фаоллиги билан ажралиб туради.

Ҳа, устоз офицер тўртинчи курсда таҳсил олаётган курсантлар ҳақида ҳақ гапни айтди. Улар аъло баҳоларга ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқдалар. Келинг, мазкур курснинг илғор курсантларидан айримлари ҳақида бироз тўхталиб ўтайлик. Шуни ҳам алоҳида қайд этиб ўтиш ўринлики, уларнинг ҳар бири «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишони билан тақдирланишган.

ЭНГ ЮҚОРИ БАЛЛ БИЛАН

Курсант Обид Ғаппаров камтар йигит. Назарий ва амалий машғулотларда катта иштиёқ билан қатнашади. Шарафли касбга болаликдан меҳр қўйган йигит мазкур соҳа эгаси бўлиш учун астойдил ҳаракат қилди. Эндигина мактабни битириб келган ўғлон кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаб, тенгдошларидан ўзиб кетди. У ҳамон ўшандай иштиёқ билан таҳсил олмоқда. Бир қатор фахрий ёрлиқлар билан бирга «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонига ҳам эга.

ҲАМ ҚУВНОҚ, ҲАМ ЗУККО

Курсант Эдем Аметов барча билан тез мулоқотга киришиб кета олади. У билим юртига ўқишга киришга қадар Самарқанд ҳарбий лицейида таҳсил олган. Бадиий асарлар, шеърлар мутолаа қилишни ёқтиради. Билим юртлари ўртасида ўтказиладиган «Балли, йигитлар» кўрик-танловининг фаол иштирокчиларидан.

Амалиёт курсантнинг нафақат билимини, балки етакчилик лаёқатини ҳам синовдан ўтказади. Эдем амалиётни Шарқий ҳарбий округда ўтади. Ва етакчи сифатида ўзининг энг яхши томонларини кўрсата олди. Унинг бу ютуғи билим юрти қўмондонлиги томонидан эътироф этилиб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

«ҲАРБИЙ СПОРТЧИ»ЛАР

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль муҳандислик-қўмондонлик билим юрти ҳарбий спортчилари билан ҳақли равишда ифтихор қилса арзийди. Билим юртлари ўртасида уюштириладиган турли мусобақаларда мазкур ўқув даргоҳи курсантлари пешқадамлик қилишади.

Курсантлар – кичик сержант Ғанишер Абулқосимов ва Илёс Қаландаровнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Иккови ҳам аъло баҳоларга ўқишади. Отиш тайёргарлиги бўйича амалий машғулотларда ҳам яхши натижаларни қайд этишди. Иккови ҳам биринчи разрядли спортчи саналишади. «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонига ҳам бир вақтнинг ўзида эришганлар. Бундан ташқари, амалиётни ҳам аъло даражада ўтадилар.

Ғанишер муддатли ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларидаёқ келажакда офицер бўлишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган эди. У бу йўлда астойдил ҳаракат қилди. Намунали хулқи ва аъло хизматлари қисм қўмондонлиги томонидан муносиб тақдирланди. У мамлакатимиз олий ўқув юртларига кириб ўқишда алоҳида имтиёз берадиган тавсияномага сазовор бўлди. Билим юрти курсанти бўлишида ана шу тавсиянома ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Эндиликда кичик сержант Абулқосимов факультетнинг энг иқтидорли курсантларидан бири сифатида тилга олинади. У аъло ўқиш билан бирга билим юрти ва билим юртлари ўртасида ўтказиладиган турли тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Илёс эса спорт мусобақаларининг энг фаол қатнашчиси. Болалигидан спортнинг оғир атлетика тури билан мунтазам шуғулланиб келади. Билим юрти волейбол командасининг аъзоси. Мазкур команда турли мусобақаларда муваффақият билан қатнашиб келмоқда. Бунда, албатта, курсант Илёс Қаландаров каби шижоатли йигитларнинг катта ҳиссалари бор.

ЭНГ ЯХШИ МЕРГАНЛАР

Курсантлар – кичик сержант Абдулло Эшонқулов ва Азиз Халилов отиш тайёргарлиги бўйича машғулотларда барча ҳамкурсларини ортда қолдирдилар. Машғулот натижалари бўйича энг юқори кўрсаткич икковига тегишли деб топилди. Иккиси ҳам барча ўқотар қуроллардан моҳирона фойдаланиб, уста мерган эканликларини намойиш қилишди. Айниқса тунги отиш машғулотларида уларнинг маҳорати устозлари томонидан юқори баҳоланди.

Шарафли касб эгаси бўлиш Абдуллонинг болалик орзуси эди. Шу орзу уни ҳарбий касбга йўналтирилган Самарқанд ҳарбий лицейига етаклаб келди. Лицейдан сўнг муддатли ҳарбий хизматни ўтади. Бу ерда ҳам ҳарб илмига бўлган чексиз меҳрини намойиш этиб, аъло натижаларга эришди. Унинг намунали хулқи ва аъло хизматлари эътиборга олиниб, қисм қўмондонлиги томонидан тавсиянома билан тақдирланди. Бу эса йигитнинг эзгу мақсади йўлида янада дадиллик билан ҳаракат қилиб, муваффақиятларга эришишга руҳлантирди.

Азиз амалиётни Тошкент ҳарбий округда ўтади. Ўша пайтдаёқ бўлғуси ёш мутахассисга ишонч билдирдилар. У округ қўмондонлигининг фахрий ёрлиғига сазовор бўлди. Бу эса Қуролли Кучларимиз сафи яна бир ғайратли, истеъдодли ёш офицер билан бутланишини англатади.

СУЛОЛАНИ ДАВОМ ЭТТИРИБ...

Кичик сержант Шерали Мақсудов учун офицерликнинг машаққатли ва шарафли томонлари болаликдан маълум эди. У ота касбига меҳр қўйиб улғайди. Фарзанди ҳақиқий эр йигитлар касбини танлаганидан отаси – истеъфодаги офицер Жўрақўзи Мақсудов ҳам беҳад хурсанд. Курсант йигитнинг акаси – катта сержант Нодирбек Жўрақўзиев ҳам мана, бир неча йилдирки, миллий армиямиз сафларида ўз бурчини шараф билан ўтаб келмоқда. Ўйлаймизки, шонли Қуролли Кучларимиз сафида бўлғуси ёш офицер Шерали Мақсудовнинг ҳам муносиб ўрни бўлади.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Капитан Ёшин ҲАКИМОВ суратга олган.

САЙЛОВ

САЙЛОВДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ РОЛИ

Сайловлар мамлакатнинг келажагини, ошкораликни белгиловчи муҳим мезон бўлиб, халқнинг ўз давлат ҳокимияти, Президенти, парламентига бўлган сиёсий муносабатини ифода этади, жамият фикрини муштарак ҳолга келтириб, фуқароларнинг ҳокимиятни бошқаришдаги иштирокини таъминлайди, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ана шундай муҳим роль ўйнайди.

Кейинги йилларда юртимизда давлат қурилиши ва бошқаруви тизимини ривожлантириш, хусусан, қонунчилик ҳокимиятининг роли ва таъсирини кучайтириш, ижро этувчи ҳокимият органлари ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, қонунлар ва ҳукумат қарорларини бажариш механизми қандай йўлга қўйилганлиги, демократик усуллардан фойдаланиш, сиёсий партияларнинг фаоллигини ошириш ҳамда жамоатчилик назорати каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши эса ҳеч шубҳасизки, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда асосий ва ҳал этувчи аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Бу сайловда ўз-ўзидан сиёсий партиялар фаоллиги ва улар ўртасидаги рақобат муҳити анча кучаяди. Сиёсий партиялар жамиятда кишиларни бирлаштиради ва уларнинг мақсад-муддаолари бирлигини таъминлайди, вакиллик органлари учун курашиб, ўз сиёсий гуруҳларининг манфаатларини ҳимоя қиладилар. Олий Мажлис, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини шакллантиришда энг асосий сиёсий куч сифатида майдонга чиқиб, ўз номзодларининг сайланиши билан ҳокимиятни тузиш ва давлат бошқарувида фаол иштирок этадилар. Демократик сайлов тизимининг қарор топиши, сайлов қонунларининг мукаммаллашуви билан сиёсий партиялар нафақат парламентнинг шаклланишида, балки маҳаллий кенгашларнинг шаклланишида ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу ўринда партияларнинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётган бугунги кунда сайлов компаниясида сиёсий партиялар сайлов жараёнининг асосий субъекти эканлиги билан ажралиб туришини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Фуқароларимизнинг бўлажак сайловлардаги иштироки мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ва ҳаракатлар фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда Юртбошимиз шундай деган эди: «Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: аввалambор, аҳолининг фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур».

Зеро, умумхалқ сайловлари орқали давлат бошлиғи ва вакиллик органлари депутатларини сайлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 21-моддасида «Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга»лиги белгиланган.

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекстон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунга ва «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 13-моддасига ўзгартириш киритилди.

Кейинги вақтларда юзага келган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий воқеликларни инобатга олган ҳолда ва жамият ҳаётида сиёсий партиялар ролини кучайтириш мақсадида Қонунчилик палатасида ҳам депутатлар сони ва таркибига ўзгартиришлар киритилди. Унга биноан эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат. Шулардан бир юз ўттиз беш нафар депутат ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Ўн беш нафар депутат Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.

Хотин-қизлар сони депутатликка номзодларнинг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим. Депутатликка номзодлар фақат сиёсий партиялар юқори органлари томонидан кўрсатилади ва у сайловга олтмиш беш кун қолганда бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Қонунчилик палатасини шакллантиришда сиёсий партиялар бевосита сайловларда ҳамда Спикер ва унинг ўринбосарлари сайловида, шунингдек, ўз сиёсий фракцияларининг фаолияти орқали иштирок этадилар. Энг муҳими эса сиёсий партияларнинг сони эмас, балки унинг сиёсий мустаҳкамлиги ва сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланишидир.

Дарҳақиқат, сиёсий партиялар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси ҳисобланади. Сиёсий партияларнинг аҳамияти шундаки, сайловлар пайтида кўрсатилаётган номзодлар истеъдодли, иқтидорли, халқ ўртасида обрў топган кишилардан иборат бўлиши таъминланади. Бошқача қилиб айтганда, номзодларнинг фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилиши депутатларнинг ҳалол ва холисона танланишларига мустаҳкам замин яратади.

Адлия капитани Л. ЭРДОНАЕВ,
Марказий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ўринбосари.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатимизда жорий йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўладиган сайловга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси томонидан мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга мувофиқ сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Айни пайтга қадар жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 73 сайлов округи ҳамда 861 сайлов участкаси тузилди. Улар зарур жиҳозлар билан таъминланди.

– Сайловни қонунга мувофиқ, очиқ ва ошкора ўтказиш кўп жиҳатдан сайлов комиссиялари аъзоларининг билими ва салоҳиятига боғлиқ, – дейди Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси Убайдулла Абдушоҳидов. – Шу маънода, сайлов комиссияси томонидан сайловни ўтказувчи округ сайлов комиссиялари раислари иштирокида сайлов қонунчилигини ўрганиш, округ ва участка сайлов комиссиялари ишини ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-йиғилишлар ўтказилди. Уларда сайлов жараёнларида барча иштирокчиларнинг қонунчилик талабларига сўзсиз риоя қилишини таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқотини ўтказишда холисона ёндашувни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда сайловолди ташвиқоти мобайнида қонун талабларига қатъий риоя этиш, номзодларнинг шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилиш, оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланишни таъминлаш борасида барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов Ўзбекистон фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри яширин овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

– Сайлаш ва сайланиш мамлакатимиз фуқароларининг конституцион ҳуқуқларидан биридир, – дейди Қибрай тумани «Ўнқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Лобар Азизхўжаева. – Мен жорий йилда илк бор сайловда иштирок этаман. Мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнашида, юртимиз тараққиётига хизмат қилувчи қонунларнинг қабул қилинишида биз овоз бериб сайланадиган парламент муҳим аҳамият касб этишини яхши тушунамиз.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда босма оммавий ахборот воситалари, Интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида анъанавий «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танловини ўтказиб келмоқда.

Танловдан кўзда тутилган мақсад мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган демократик жараёнларни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Яқинда «Dedeman» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» ижодий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳамда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбати иштирокчилари мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, Омбудсман институти фаолияти, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакат ва фуқаролар ҳаётидаги ўрни, босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва Интернет нашрлар орқали Асосий Қонун мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, инсон манфаатларини таъминлашда журналистларнинг масъулияти ҳақида сўз юритилди.

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида қайд этилишича, танловда 50 дан ортиқ босма оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзининг 600 га яқин мақола ва ижодий ишлари билан иштирок этган. Материаллар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ-манфаатлари ҳимоясида амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги Фармон ва Қарорларининг мазмун-моҳиятини аҳолининг турли қатламлари онгига сингдиришга қаратилган. Шунингдек, уларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи ҳам устувор ўрин тутади.

«Зарафшон» газетасидан Манноб Ибодуллаев фахрли учинчи ўринга, «Қашқадарё» газетасидан Абдуразоқ Муродов иккинчи, «Андижоннома» газетаси ходимлари Илҳомжон Эгамназаров, Ғолибжон Абдуллаевлар биринчи ўринга сазовор бўлишди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар, шунингдек, танловда фаол қатнашган иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Қайд этиш лозимки, «Инсон ҳуқуқлари журналистлар нигоҳида» ижодий танлови ва мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан молиявий қўллаб-қувватланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул вакиллари, босма оммавий ахборот воситалари раҳбарлари ва журналистлари иштирок этди.

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

ASKAR

HUSHYORLIK – UNING QALQONI

Mamlakatimizda hukm surayotgan osoyishtalik, barqarorlik, fuqarolarimizning tinch, osuda hayot kechirishi, sarhadlarimiz daxlsizligi har jihatdan Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilayotgan o‘g‘lonlar – mard, jasur, fidoyi posbonlarning burchiga sodiqligi, bildirilgan yuksak ishonchni sharaf bilan oqlashayotganidan. Bugun harbiy xizmat tom ma’nodagi sharafli, ko‘pchilik orzu qiladigan kasbga aylangani barchamizga ma’lum. Ayni paytda Chegara qo‘shinlarida yigitlik burchini o‘tayotgan oddiy askar Qo‘chqorbek Xolboyev ham kelajakda harbiy kasbni egallashni ixtiyor etganlardan.

U bolalikdan sharafli kasb egasi bo‘lishni, egniga harbiy libos kiyishni orzu qilib keldi. Kasb-hunar kollejini bitirib, qo‘liga yetuklik guvohnomasini olgan zahoti muddatli harbiy xizmatga borishni – zimmasidagi konstitutsiyaviy burchini o‘tashni ixtiyor etdi. Albatta, u hozirda muddatli harbiy xizmatga faqat eng bilimli, jismonan va ma’nan barkamol, salohiyatli o‘g‘lonlargina munosib topilayotganidan, joriy etilgan ko‘rik-tanlovdan boxabar edi. Niyatiga erishish uchun astoydil tayyorgarlik ko‘rdi. Qurolli Kuchlarimiz safida xizmat qilib, rezervga bo‘shatilgan mahalladosh akalardan askar bo‘lish uchun nimalarga e’tibor qaratishi lozimligi haqida kerakli yo‘l-yo‘riq va maslahatlarni oldi. Umumta’lim maktabi va kasb-hunar kollejida yaxshi tahsil olganligi, darslardan bo‘sh vaqtlarida sport bilan muntazam shug‘ullanganligi belgilangan ko‘rik-tanlovda eng yuqori ko‘rsatkichlardan birini qayd etishiga sabab bo‘ldi. Umumyakunda u MXX Chegara qo‘shinlarida xizmat qilishga loyiq topildi.

Mana, shijoatli o‘g‘lonning milliy armiyamiz saflarida xizmat qilayotganiga ham hademay bir yil bo‘ladi. O‘tgan vaqt mobaynida u har tomonlama chiniqdi, toblandi. Jangovar, ijtimoiy-siyosiy mashg‘ulotlarda mahoratli ustoz ofitserlar, o‘z kasbining ustasi bo‘lgan serjantlardan soha sirlarini o‘rgandi, harb ilmiga oid saboqlarni oldi. Shu bois u dala-o‘quv mashg‘ulotlarida, shuningdek, alohida vazifalarni ado etish chog‘ida yuksak natijalarni qo‘lga kiritdi. Posbondagi intiluvchanlik, shijoat, burchga sodiqlik hissi tahsinga sazovor. Ayniqsa, chegara postida soqchilikka tayinlanganda u bir lahza bo‘lsin xushyorlikni yo‘qotmaydi, har qanday sharpa yo ovoz bo‘lsin, e’tibordan chetda qoldirmaydi. Shu bois ham komandirlarining unga ishonchi katta.

... Chegara posti. Oddiy askar Q. Xolboyev o‘ziga biriktirilgan hududni sergaklik bilan qo‘riqlamoqda. Vaqt allamahal bo‘lgan, ammo posbon «tiq» etgan tovushga quloq tutib, Umumharbiy nizomlar talablariga muvofiq yuklatilgan vazifani ado etayotir. Bir payt uning nigohlari aylanma yo‘llar bilan chegara hududiga kirib kelayotgan kimsalarni payqadi va yashiringancha ularni kuzata boshladi. Qonunga zid ravishda mamlakatimiz ichkarisiga kirish va katta miqdordagi tovar-moddiy boyliklarni davlat bojini to‘lamasdan yurtimizga o‘tkazishga bo‘lgan urinish shijoatli va dovyurak posbonning o‘z vaqtida amalga oshirgan tezkor chorasi, oqilona qarori sabab bartaraf etildi.

Sarhadlarimiz daxlsizligini ta’minlashga qo‘shgan munosib hissasi uchun oddiy askar yuqori qo‘mondonlikning minnatdorchilik xati bilan taqdirlandi.

Bu kabi voqealar posbonning hayotida ko‘p bo‘lgan. Komandirlardan bunday vaziyatlarda qanday yo‘l tutish lozimligi bo‘yicha tegishli saboqlarni olgani bois o‘ziga yuklatilgan vazifalarni sharaf bilan uddalab kelayotir. Safdoshlari uni «Chegara buzg‘unchilarini qo‘lga tushirishning hadisini olgan posbon», deb atashadi. Bu ham bo‘lsa o‘g‘lonning bildirilgan ishonchni oqlashga intilishidan, soha sirlarini qunt bilan o‘rganganidan.

Tez orada muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddati ham o‘z poyoniga yetadi. Biroq lavhamiz qahramoni hayotining eng sermazmun, hayajonli lahzalari kechgan armiyadan uzoqlashmoqchi emas. Rezervga bo‘shatilgach, shartnoma asosida xizmat qilishga ahd qilgan posbonning bu qaroridan komandirlari ham mamnun. «Yosh, serg‘ayrat, sohaga qiziqishi yuksak, mas’uliyatni chuqur his qiluvchi, topshiriqlarni o‘z vaqtida, to‘liq ado etishga odatlangan posbon bilan bir safda xizmat qilish baribir maroqli», deyishadi ular.

Ha, ustoz ofitserlarning aytganicha bor. Yonida shunday ishonchga sazovor safdosh, yaqin ko‘makchi bo‘lgach, hamma ham quvonadi-da. Nazarimizda Yurtboshimizning: «Men o‘zimning taqdirimni ham, mamlakatimiz va mustaqilligimiz taqdirini ham ana shularning qiyofasida ko‘raman. Kishi ana shunday farzandlari borligidan kuch oladi, ongi tiniqlashadi, rag‘batlanadi, ko‘ksi tog‘day ko‘tariladi», degan so‘zlari aynan lavhamiz qahramoni singari o‘z taqdirini yurt taqdiri bilan bog‘lagan, Vatan manfaatlarini har narsadan ustun qo‘yadigan yoshlarga nisbatan aytilgan. Milliy armiyamiz saflarida ana shunday posbonlarning borligi qalblarimizni g‘urur-iftihor hissiga to‘ldiradi.

Jamshid SOBIRQULOV.

Dil izhori

KASBIM – SAODATIM

Milliy armiyamiz safida xizmat qilishni, yurt koriga kamarbasta bo‘lishni o‘zbekning qaysi farzandi orzu qilmaydi deysiz?! Komil ishonch bilan ayta olamanki, bugun Qurolli Kuchlarimiz saflarida xizmat qilish O‘zbekistonning har bir fuqarosi orzu qiladigan sharafli kasbga aylandi.

Men ham milliy armiyamiz bilan, ozod va obod yurtning posboni degan yuksak maqomga sazovor ekanimdan g‘ururlanaman. El-yurt tinchligini asrashdek muqaddas ishga bel bog‘lagan yurtimning zabardast o‘g‘lonlari – Vatan himoyachilari bilan yelkama-yelka turganim, sarhadlarimiz daxlsizligini ta’minlashga hissamni qo‘shayotganim eng katta saodatimdir.

Bugungi kunda professional asosda shakllanayotgan armiyamizda askarlar, ofitserlar, shuningdek, shartnoma asosida xizmat qiluvchi harbiy xizmatchilarga kasb sirlarini mukammal o‘zlashtirish, sohaga doir yangiliklardan muntazam bohabar bo‘lib borish uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Bular biz harbiylarga – Vatan posbonlariga qaratilayotgan yuksak e’tibor, ko‘rsatilayotgan ulkan g‘amxo‘rlik namunasi, deb bilamiz.

Soha sirlarini o‘rganishim, xizmat mashaqqatlarini yengib o‘tishimda armiyadagi ustozlarim va safdoshlarim ofitserlar M. Yusupxonov, A. Sotiboldiyev, D. Abbosov, serjantlar A. Alyarov, J. To‘xtayev, kichik serjantlar U. Zulfiqorov, O‘. Nishonovlarning yordami katta bo‘lmoqda. Hali yoshman, shartnoma asosida xizmatni davom ettirayotganimga ham uncha ko‘p vaqt bo‘lgani yo‘q. O‘rganadiganlarim nihoyatda ko‘pligini, bilimlarimni boyitishim zarurligini hamisha his qilib turaman. Bu esa zimmamga yanada ulkan mas’uliyat yuklaydi, ko‘proq o‘z ustimda ishlashga, o‘qib-o‘rganishga, bildirilgan ishonchni oqlashga undaydi.

Qalbimdagi Vatan mehri butun borlig‘imga kuch beradi. Yurtim mustaqilligini himoya qilayotganimdan, xalq ardoqlagan kasb egasi ekanimdan ongim tiniqlashadi, faxrlanaman. Ishonamanki, hozirda Qurolli Kuchlarimizda xizmat qilayotgan har bir posbon shu so‘zlarni baralla ayta oladi.

Shartnoma bo‘yicha harbiy xizmatchi, oddiy askar Iqbol QURBONOV.



YANGI YIL OSTONASIDA

Tilab bizga baxtu shodliklar,
Yana bir yil bizni tark etdi.
Eski yilga rahmatlar aytib,
Xayrlashmoq fursati yetdi.

Xush qol endi o‘tayotgan yil,
Tugashingga qoldi oz fursat.
Biroq yurak sahifasida,
Har daqiqang azizdir bu vaqt.

Oshdik qancha qirlardan birga,
Yengib o‘tdik qancha to‘siqni.
Sening bilan shonlarga to‘ldik,
Egalladik minglab yutuqni.

Mana, yana kelar yangi yil,
Quvonchlarga, baxtlarga to‘lib.
Keling, birga kutib olaylik,
Iqboliga chiqaylik kulib.

Ona-Vatan tinchligi uchun,
Otlangandir jasur o‘g‘lonlar.
Yangi yil-la qutlayman bu kun,
Sizga ham baxt tutsin bu onlar.

Shartnoma bo‘yicha harbiy xizmatchi, oddiy askar Yulduzxon HAKIMOVA.

ЁШЛАР

Дил изҳори

МУҚАДДАС БУРЧИМНИ ЯХШИ АНГЛАЙМАН

Кўкда чарх ураётган сор ёки бургутни ҳеч кузатганмисиз?! Қанотларини кенг ёйиб, мағрур парвоз этади. Улкан қоя тошларни макон тутувчи бу қушнинг қанот қоқишидан тортиб ўлжасига ташланишигача бўлган ҳар бир хатти-ҳаракатида қатъият, ўзига юксак ишонч яққол сезилиб туради. Уясини, полапонларини жон-жаҳди билан қўриқлайдиган, тинчлигига дахл қилмоқчи бўлганларга тап тортмай ташланадиган бу жонзотдаги жасоратга тан бермай илож йўқ. Шунинг учун ҳам сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга масъул, тинчлигимиз посбонлари бўлмиш Ватан ҳимоячиларини ана шу сор, бургутларга ўхшатишади.



... Еттинчи синфда ўқирдим, ўшанда. Адабиёт дарсида ўқитувчимиз элимизнинг атоқли фарзанди, оташнафас шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, унинг ижоди ҳақида гапириб берди. Билдикки, истеъдодли адиб мустабид тузумнинг зулми остида эзилаётган халқимизнинг озодликка чиқишини, миллий мустақилликка эришишини орзу қилган, умрининг охиригача ўз ақидаларига содиқ қолган экан. Эркпарвар адибнинг деярли барча шеърлари замирига ана шу истак сингиб кетганидан хабар топдик. Дарс якунида устозимиз адабиёт дарслигида шоир ижодидан намуна сифатида келтирилган "Бузилган ўлкага" шеърини ёд олиб келишни тайинладилар. Эсимда, бўлиб ўтган мароқли дарсдан ширин хаёллар, таассуротлар билан қайтгач, уйга келибоқ шеърни ёдлашга тутингандим, ўшанда. Ҳайратланарлиси, ундаги сатрлар бир ўқишдаёқ хотирамда муҳрланарди. Бунга балки, мисралардаги жўшқинлик, эҳтирос, оташин туйғулар ифодаси сабаб бўлгандир.

...Кўм-кўк, гўзал ўтлоқларинг босилғон,
Устларида на пода бор, на йилқи,
Подачилар қайси дорға осилғон?
От кишнаши, қўй маъраши ўрнига
— Оҳ, йиғи,
Бу нега?
Туморчалар, ҳамойиллар тақинган.
Далаларда лола барги ёпинган,
Тоғ-тошларда ўйин қилган, чопинган
Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?
Жавоб йўқми кўклардан-да, ердан-да,
Хароб бўлган элдан-да.
От минганда қушлар каби учгувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни кучгувчи,
От чопганда учар қушни туттувчи,
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?
Тоғ эгаси: сор, бургутлар қаерда?..

Шеърни тўлиқ ёд олиб, эртасига ифодали қилиб айтиб бердим. Шунда устозим: "Ёд олган мисраларинг мазмунини тушундингми?" – деб сўради. Мен бош иргадим. "Унда **"... Тоғ эгаси: сор, бургутлар қаерда?"** жумласини изоҳлаб бер-чи?" – деди ўқитувчим. Мен қўлдан келганча тушунтирган бўлдим, аммо жавобим қониқарли бўлмади. Ўшанда устозим: "Айтишларича, ҳеч бир жонзот уясини сор ёки бургутчалик муҳофаза қилолмас экан. Пурвиқор тоғларнинг баланд чўққиларига ин қўйгувчи бу қушларнинг оилапарварлиги, ватанпарварлиги, бир-бирига меҳри, садоқатини қадимдан таъкидлаб келадилар. Улар қўрқув нима билмайдилар, хавфни сезсалар жонларини хатарга қўйиб бўлса-да, душманга човут солишга, кутилмаган меҳмонни қувишга, эркини, тинчлигини қўриқлашга ҳаракат қилишади. Дейдиларки, қайси тоғда бу қушлар кўринмай қолса, демак, у ер эгасиз қолибди. Чўлпон ҳам босқинчилар томонидан забт этилган, озодлиги учун курашгувчи ўғлонларидан айрилган Ватанини сор, бургутлар тарк этган тоғларга қиёслаган", – деб изоҳлаган эди.

Йиллар ўтди, улғайдим, аммо устозимнинг ҳаяжон билан айтган ўша сўзлари ҳануз қулоғимдан кетмайди. Англагандимки, Ватан ҳимояси ҳар бир эр йигит зиммасидаги энг муқаддас бурч экан. Шу сабаб қалбимда аскар бўлишга, эгнимга ҳарбий либос кийиб, юрт қўришга, аждодларимиз анъанасини давом эттиришга иштиёқ уйғонди.

Касб-ҳунар коллежида таҳсил олиш мобайнида "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинларида иштирок этдим, чақириққа қадар бошланғич тайёргарлик фанидан сабоқ берган устозимдан Қуролли Кучларда амалга оширилаётган ислоҳотлар, профессионал асосда шаклланаётган армиямиз посбонларига қаратилаётган эътибор ҳақида маълумотга эга бўлдим. Бу эса юрагимдаги шарафли соҳага бўлган қизиқишнинг аланга олишига, иштиёқ қатъий мақсадга айланишига туртки бўлди.

Ҳадемай зиммамдаги конституциявий бурчни ўташга йўл оламан. Мактабда, қолаверса, касб-ҳунар коллежида яхши ўқиганим, мунтазам спорт билан шуғулланганим боис муддатли ҳарбий хизматга қабул қилишда жорий этилган кўрик-танловдан муваффақиятли ўтдим. Ҳозирда якуний назорат-синов босқичларидан ўтаяпман. Чақирилувчи тенгқурларим билан суҳбатлашар эканман, ҳаммаларининг ҳам мақсадлари битта эканига – она Ватанимизни кўз қорачиғидай асрашга, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикка муносиб ҳисса қўшишга, билдирилажак юксак ишончни оқлашга, зиммаларидаги муқаддас бурчни шараф билан адо этишга аҳд қилишганига амин бўлдим. Ана шундай мард ўғлонлар билан бир сафда эканлигимдан, барчамизни ягона эзгу мақсад – юртни ҳимоя қилиш туйғуси бирлаштириб турганидан ғурурландим.

Мен истиқлол тенгдошиман. Бу эса зиммамга янада улкан масъулият юклайди. Мустақиллик фарзанди сифатида мен оиламнинг, маҳалламнинг, озод Ўзбекистонимнинг ишонган посбони бўлишим керак. Ўйлайманки, зиммамдаги бу улуғ вазифани шараф билан адо этаман.

Фаррух ЭШИМОВ,
Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри.

2010 йил – Баркамол авлод йили

ВАТАН ИСТИҚБОЛИ, ЮРТНИНГ ЭРТАСИ

Келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод томонидан амалга оширилаётган ишлар, илгари сурилаётган ғоялар, яратилаётган лойиҳа ва ихтиролар ҳақида эшитган киши Ватанимиз эртаси чиндан-да ишончли қўлларда эканига яна бир карра амин бўлади. Юртбошимиз: «Менинг энг катта ишончим ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир», деб бежиз таъкидламайдилар. Дарҳақиқат, мамлакатнинг ҳар жиҳатдан тараққий этиши, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллаши, давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, интеллектуал салоҳияти юксалишида ёшларнинг тутган ўрни беқиёс. Шу боис ҳам ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида ана шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. Мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 40 фоизини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, юртимизда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда бу қатлам нақадар катта таъсир кучига эга эканини англайсиз.

Барча соҳаларда бўлгани каби Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган, Ватанни ҳимоя қилишдек ғоят масъулиятли ва шарафли вазифага бел боғлаган ёшлар ҳам ҳамиша давлатимизнинг диққат-эътибори марказидадир. Айниқса, кейинги йилларда посбонларнинг соҳа сирларини пухта эгаллаши, замонавий билимларни чуқур ўзлаштирган, ҳар қандай вазиятда тўғри қарор қабул қила оладиган, қўл остидагиларни ўз ортидан эргаштиришга қодир профессионал жангчи сифатида шаклланишлари учун барча шароитлар, имкониятлар яратилаётгани эътиборга молик. Биргина муддатли ҳарбий хизматга жалб этилган, миллий армиямиз сафларида ўз йигитлик бурчларини адо этаётган посбонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, қаратилаётган эътибор фикримиз исботидир.

Чунончи, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (ЁИҲ) томонидан «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш қондалари» қабул қилинган эди. Унга асосан муддатли ҳарбий хизматни ўташ мобайнида имтиёзни қўлга киритиб, тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодларини юзага чиқариш, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун кўплаб хайрли ишлар амалга оширилаётгани қувонарли ҳолдир. Жумладан, сўнгги уч йил мобайнида ана шундай имтиёз ёрдамида ўқишга кирган ва «Камолот» ЁИҲнинг олий ўқув юртларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этган 18 минг 937 нафар талабага тўлов-шартнома пулининг 35 фоизи – жами 5,3 млрд. сўм маблағ тўлаб берилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги Қарорига мувофиқ, «Камолот» ЁИҲ томонидан Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга кирган ёшларнинг келгуси фаолияти билан қизиқиш, танлаган соҳалари бўйича пухта билим олишлари ва малакали мутахассис бўлиб камол топишларига эришишга қаратилган йиллик чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Бунга кўра ҳозирда мамлакатимиздаги олий таълим масканларида таҳсил олаётган талабалар турли жамоатчилик ишларига, факультетлар қошида очилган тўгаракларга жалб этилган, пухта билим олишлари учун «Устоз-шогирд» тизими асосида профессор-ўқитувчиларга бириктириш йўлга қўйилганки, буларнинг барчаси ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб улғайишига хизмат қилмоқда.

Хусусан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга қабул қилинган талабалар таълим муассасаси ҳудудини ободонлаштириш, умумхалқ ҳашарларини ташкил этиш, уни уюшқоқлик билан ўтказиш ишларига бош-қош бўлиб келишаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. «Камолот» ЁИҲ Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати ўтказиб келинмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида мазкур ижтимоий лойиҳада юртимиздаги 58 та олий таълим муассасасидан 7100 нафарга яқин талаба-ёшлар қатнашишди, уларнинг салмоқли қисмини ҳаёт мактабида тобланган ўғлонлар ташкил этди.

Олий таълим муассасаларида ана шундай талабаларни «Устоз-шогирд» тизими асосида профессор-ўқитувчиларга бириктириш йўлга қўйилган. Биргина Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мисолида бу борада амалга оширилган ишларни таҳлил қиладиган бўлсак, 25 нафар талаба «Спорт», 20 нафари «Мусиқа», 25 нафари «Тарих» кафедралари ўқитувчиларига бириктирилган. Бу эса эртамиз эгаларининг мутахассислари бўйича билимларни чуқур ўрганишларини таъминламоқда.

Барчага маълумки, олий таълим муассасаларида, талабалар турар жойларида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиш, талабалар зиммасидаги бурч ҳамда мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш муҳим масалалардан. Эътиборлиси, бу борада ҳам йигитлик мактабида чиниққан, армия сабоғини олган ўғлонлар жонбозлик кўрсатишаётир. Кўплаб олий ўқув юртларида фаолият юритаётган, ички тартиб-интизомни назорат қилишга масъул «Ватанпарвар», «Қалқон», «Посбон» каби гуруҳларда ҳам ишни ташкил этиш ҳам муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шунқорлар зиммасида.

– Бугун армия аталмиш ҳаёт мактаби ёшларимизнинг баркамол инсон бўлиб шаклланиши, жамиятда ўз ўрнини топиши, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўша оладиган фарзандлар сифатида улғайишига хизмат қилаётир, – дейди «Камолот» ЁИҲнинг ўқув муассасалари билан ишлаш бўлими мудири Сарвар Ашуров. – Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни, демакки, конституциявий бурчини ўтаган ўғлонларга нафақат армияда, балки резервга бўшатилганларидан кейин ҳам ҳукуматимиз томонидан эътибор қаратилаётгани, ғамхўрлик кўрсатилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Айниқса, муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, имтиёзни қўлга киритган ўғлонлар олий таълим даргоҳларига ўқишга киришда, шунингдек, тўлов-шартнома пулини тўлашда, бундан ташқари бошқа кўплаб имтиёзлардан баҳраманд бўлишда ана шу ғамхўрликни ҳис этишмоқда.

– Армияда устоз офицерлар ва сержантлардан Умумҳарбий низомлар, жанговар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотларида ҳарб илмига оид сабоқларни пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим, – дейди Тошкент давлат техника университети нефть ва газ факультети талабаси Ғуломжон Қосимов. – Олган билимларимни амалий машғулотлар давомида янада мустаҳкамлашга муваффақ бўлдим. Буларнинг барчаси тавсияномага эга бўлиш учун ўтказилган тест синовларида юқори натижани қайд этишимга хизмат қилди. Ана шу юксак имтиёз ёрдамида олий ўқув юртига тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилиндим. Ҳозирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг факультетимиздаги бошланғич ташкилоти етакчисиман. Ташкилот фаолиятида фаол иштирок этаётганим сабабли ўқишим учун тўланадиган шартнома пулининг 35 фоизи тўлаб берилди. Бундан ташқари, университетимизда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ўқишга кирган йигитлар учун яна кўплаб имкониятлар, имтиёзлар мавжуд. Бизнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлишимизга эътибор қаратаётган ҳукуматимиз, университетимиз раҳбариятидан миннатдорман. Кўрсатилаётган бундай ғамхўрликни келажакда юксак натижаларим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Ҳарбий хизматнинг ёшлар учун мустаҳкам ҳаётий принциплар, юксак ватанпарварлик фазилатлари шаклланадиган жисмоний ва маънавий чиниқиш мактаби эканлигини бугун ҳар бир юртдошимиз теран ҳис қилади. Ўтган йиллар мобайнида Қуролли Кучларимизда амалга оширилган туб ислоҳотлар, қарор топтирилган соғлом маънавий, ахлоқий-руҳий муҳит, жорий этилган янгича анъаналар халқимиз онгу шуурида ҳам ўзгаришлар ясади, армияга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди. Ёшларимиз учун миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш чинакам нуфтихорга, шарафли ишга айланди. Бу фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташи самарадорлигини ошириш, муддатли ҳарбий хизматни, демакки, Ватан олдидаги конституциявий бурчларини ўтаб қайтган йигитларни моддий, ахлоқий ва маънавий рағбатлантириш, ёш авлоднинг армияга бўлган интилиши, қизиқишини янада кучайтириш, фарзандларимиз онгида Ватан ҳимоячиси бўлиш нақадар шарафли иш эканини англатиш мақсадида амалга ошириб келинаётган эзгу ишлар самарасидир.

Жамшид НИЁЗОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ТАШРИФ

САНЪАТ ОСМОНИНИНГ ЗУҲРОСИ

Ўзбек миллий академик драма театри юртимиздаги энг кўзга кўринган, отахон театрлардан бири ҳисобланади. Ушбу даргоҳ халқимизнинг миллий, бадиий анъаналарига яқинлиги билан маънавий ҳаётимизда ўзига хос мавқега эга. Ўтган йиллар мобайнида халқ кўнглига яқин бўлиш, унинг қувончлари ва ташвишлари билан яшаш, мухлислар олқишига сазовор бўлиш театр ижодкорларининг иқтидоридан, истеъдодидан далолат беради. Бугунги қаҳрамонимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зуҳра Ашуровани ҳам ана шундай санъаткорлар қаторига киритишимиз мумкин. Унинг ижросидаги образлар ҳаққонийлиги, юксак маҳорат билан талқин қилинганлиги билан барчага бирдек манзурдир. Актриса саҳнага доим кўтаринки руҳда, завқ-шавқ билан чиқади. Шунингдек, ўз қаҳрамонининг ички ҳолатини чуқур драматик талқин этиши билан томошабин кўнглига яқин. Шу боисдан ҳам унинг қаҳрамонлари хоҳ ҳажвий, хоҳ драматик бўлсин, томошабинни бефарқ қолдирмайди.



Санъат – мўъжиза. Унинг илоҳий қудрати инсонлар қалбини тўлқинлантириб, ҳайратга солиб келади. Ўзбек миллий ижро мактаби шундай бетакрор истеъдод соҳибларини етиштириб бердики, улар ижросидаги бир-икки қаҳрамоннинг ўзиёқ бу санъаткорларни мангу шуҳратга буркади, десак муболаға бўлмайди. Аброр Ҳидоятов номи Отеллоси билан, Шукур Бурхонов Ғофири билан, Обид Жалилов Мажиддини билан, Олим Хўжаев ва Раззоқ Ҳамроев Алишер Навоийси билан, Гулчеҳра Жамиловани Кумушбиби номи билан қўшиб гапирганимиздек, истеъдодли актрисалардан бири бўлган Зуҳра Ашурова маҳоратининг чўққиси этиб ҳақли равишда «Бобур» видеофильмидаги Хонзодабегим образи деб таърифласак хато қилмаймиз. Ўзбек аёлига хос назокат ва ибо-ҳаё тимсоли бўлган бу образни ҳали ҳам мухлислар мамнуният билан эслайдилар.

Зуҳра Ашурова Тошкент шаҳрида зиёли оилада таваллуд топди. Дадаси Жўра ака санъаткор бўлмасаларда лекин санъатга, айниқса, рақс санъатига ихлоси жуда баланд инсон эди. Шу боисданми, хонадонларида ўтказиладиган турли маросим ва йиғинлар мусиқа ва қўшиқсиз ўтмасди. Ана шундай йиғинларда ҳар доим дадаси тантанали овозда: «Ҳозир қизим сизларга бир ажойиб рақс тушиб беради», дерди ва унинг қўлидан ушлаб «даврa»га олиб чиқарди. Бу пайтда эндигина беш ёшни қарши олган ёш қизалоқ кўтаринки кайфиятда ўз билганича «Тановар»га рақс тушиб берарди. Унинг худди раққосалардек хатти-ҳаракатларини кўрган амма-холалари елкасига қоқиб: «Зуҳрахон катта бўлганида раққоса бўлади, шекилли», деб ҳазиллашиб қўйишарди. Бундай мақтовлардан Жўра аканинг боши осмонга етарди.

– Олтинчи синфга ўтганимда мусиқа мактабига қатнай бошладим, – дейди болалик даврини хотирлаб З. Ашурова. – Бу мактабда кўплаб маҳоратли ўқитувчилардан илк мусиқий билимларни эгалладим. Рубоб чалиш бўйича етарлича сабоқ олдим. Ўша пайтда актриса бўламан, деган гап хаёлимга ҳам келмаган. Тўғри, ҳинд актёрларига қизиқишим кучли эди. Лекин бу қизиқишни актрисаликка нисбатан қизиқиш, деб бўлмасди. Биласизми, кўпчилик актрисалар бирон бир ижодий мактабга мансуб бўлишади. Яъни бошқачароқ айтадиган бўлсам, кимдир Сора Эшонтўраева яратган образлар таъсири остида улғаяди. Бошқа биров, айтайлик, Зайнаб Садриева ёки Яйра Абдуллаевага тақлид қилади. Яна кимдир эса Ойдин Норбоева ёки Икрома Болтаевага ўхшагиси келади. Менда ҳам худди шундай бўлган. Ўшанда, адашмасам, еттинчи синфда ўқирдим. Бир куни бизни мактабдан театрга олиб боришди. Ҳамза театрида «Менинг Бухором» номли спектакль қўйилаётган экан. Жудаям хурсанд бўлдик. Чунки шу вақтгача фақат телевизор орқали спектакларни томоша қилганмиз-да. Шу боис залда ўтириб актёрларнинг жонли ижроларини кўриш биз учун жуда қизиқ бўлган. Мазкур спектаклда Сора Эшонтўраева, Рихси Иброҳимоваларни илк бор яқиндан кўриш бахтига муяссар бўлганман. Бир неча кун спектакль таъсирида юрдим. Ўтирсам ҳам, турсам ҳам актрисаларнинг ижроси кўз олдимдан кетмайди. Яна бир куни Муқимий театрига бордик ва у ерда «Ўткан кунлар» спектаклини томоша қилдик. Мана шу спектакль ҳаётимда ўчмас из қолдирган, деб бемалол айта оламан. Чунки спектаклда Кумушбиби образини яратган Гулчеҳра Жамилованинг ижроси менда актрисаликка нисбатан қизиқишни орттирди. Шу кундан бошлаб Гулчеҳра Жамилови ўзим учун идеал актриса деб билдим ва у каби актриса бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим...

Болаликдаги санъатга бўлган ана шу меҳр Зуҳрахонни Театр ва рассомлик институти (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат институти)га етаклаб келди. Бу даргоҳда у тўрт йил давомида Яйра Абдуллаева (курс раҳбари) сингари тажрибали санъат усталари ва моҳир педогоглар қўлида таҳсил олди. Дарсдан бўш вақтларида курсдошлари билан бирга театрга бориб, актёрларнинг саҳнада ўзини тутиши, ижро маҳоратини ўрганишга интиларди. Бу спектаклларда ўзи севган санъаткорлар роль ижро этганлиги учун ҳам бу томошаларни қайта-қайта кўргиси келаверарди. Гоҳо спектакллардан таъсирланиб кетган чоғларида «Қани энди мен ҳам шу актрисаларга ўхшаган санъаткор бўлсам, улар ижро этган ролларни талқин қилиш менга ҳам насиб этса!», деб ширин хаёлларга бериларди.

– Институтда ўқиб юрган чоғларимда телевидениеда доимий равишда бериб бориладиган «Увайсий кечаси» ва «Ғазалхонлик кечаси» каби кўрсатувларда мунтазам ғазал ўқиб чиқардим, – дейди қаҳрамонимиз. – Менда бошловчиликка ҳам қизиқиш бўлгани учунми, аруз вазнидаги ғазалларни зўр иштиёқ билан айтардим. Яна болалигимдан шеър ёдлаш қобилияти ҳам кучли эди. Мен ана шу иқтидорим сабаб ғазалхонлик кечаларида мунтазам иштирок этганман. Бундан ота-онам, айниқса, дадам жуда хурсанд бўлардилар. Шу боисдан ҳам менинг чиқишимни интизорлик билан кутиб ўтирардилар. Ўша пайтларда телевидениеда Насиба Қамбарова, Насиба Иброҳимова ва Насиба Мақсудоваларнинг энг гуллаган онлари эди. Ҳар доим мен теливизорга чиққанимда дадам онамга қараб: «Қара онаси, ҳавас қилсанг, албатта етасан экан. Мен шу қизимнинг таниқли инсон бўлишини жуда истардим. Мана орзуимга секин-аста етаяпман. У албатта бошловчи бўлади. Телевидениеда учта Насиба юлдуздек порлаётган бўлса, менинг қизим танҳо – Зуҳро юлдуз бўлиб етишади», деб ният қилар эканлар. Лекин мен дадам орзу қилганидек бошловчиликни эмас, актрисаликни танладим. Чунки орзуим шундай эди...

Ҳа, чин кўнгилдан қилинган орзу, ният албатта амалга ошади, дейишади. Фақат бунинг учун инсон интилувчан, меҳнаткаш бўлиши керак. Етук актрисалар билан бир саҳнада рол ижро этишни, улар яратган образларни саҳнага олиб чиқишни орзу қилган қаҳрамонимиз орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай мақсадига эришди. Яъни 1982 йил институтни тамомлаганидан сўнг йўлланма билан Ҳамза номидаги академик драма театрига (ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри) ишга келади. Ана шундан буён бу муқаддас даргоҳ унинг учун қадрдон уй. У шу ерда ижод қилади, изтироб чекади, жон куйдиради ва у билан фахрланади. Унинг театрда эришган энг катта ютуқларидан бири театр санъати дарғалари бўлган Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Ойдин Норбоева, Зайнаб Садриева, Ғани Аъзамов, Тўйчи Ориповлар билан бир саҳнада роль ижро этганидир.

– Театрга ишга келганимга бироз вақт ўтиб америкалик драматургнинг қаламига мансуб «Армон» номли янги спектакль саҳналаштириладиган бўлди. Устозим Ойдин Норбоеванинг тавсиясига биноан театр бадиий кенгаши қарорига кўра бош қаҳрамон – Лаура образи менга топшириладиган бўлди, – дейди актриса. – Ўшанда жудаям ҳаяжонланганман. Эндигина институтни тамомлаб келган ёш ва тажрибасиз қиз учун бу кутилмаган воқеа бўлди. Менинг олдимда руҳий кечинмаларга бой, мураккаб характерли ўз замондошимнинг образини яратишдек масъулиятли вазифа турарди. Мени бир томондан ишониб топширилган бу роль қувонтирар, иккинчи томондан «Образни саҳнага олиб чиқиш қўлимдан келармикан, вазифамни уддалай олармиканман?» деган савол тинчлик бермасди. Мендаги ана шу ҳаяжонни сезган Ойдин опа мени ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, қимматли маслаҳатлар бергандилар. Сен бу ролнинг уддасидан чиқасан, деб ишонч билдирганлар. Энди ўйласам ана шу ишонч мен учун катта далда бўлган экан...

Актриса ўзига билдирилган ишончни оқлади. У яратган Лаура образи олий ҳакам – томошабинлар томонидан юқори баҳоланди. Зуҳра Ашурова эришган дастлабки муваффақиятидан жудаям бахтиёр эди.

Шундан сўнг у театрда бирин-кетин саҳналаштирилган «Келинлар қўзғолони»да Нигора, «Меҳробдан чаён»да Раъно, «Олтин девор»да Зуҳра, «Ҳаётдан тўйган тун»да Баян, «Ёркиной»да Ёркиной, «Кузнинг биринчи куни»да Зумрад, «Фариданинг дил дафтари»да Ойшахон, «Энг сулув келинчак»да Гулбарчин, «Кундошлар»да Ирода каби бир-бирини такрорламайдиган ролларни ўйнашга муваффақ бўлди. Маҳорати ортиб борди. У изланувчан ва тиришқоқ эди. Шу боисдан ҳам ўз вазифасига масъулият билан ёндашишга интилди. Саҳнадаги хатти-ҳаракатларининг бир-бирига ўхшамаслиги томошабинни ўзига жалб этди. Бу эса нафақат саҳналаштирилган асарларнинг муваффақиятини белгилади, балки актриса ижодини ҳам юксакликка олиб чиқди. Яъни 1994 йилда «Меҳробдан чаён»даги Раъно ва 1998 йилда «Ҳаётдан тўйган тун»даги Баян образлари учун «Йилнинг энг яхши аёл актрисаси» номига сазовор бўлди.

– Ҳар бир актёрнинг, актрисанинг кўнглига яқин, доим севиб ижро этадиган образлари бўлади, – дейди қаҳрамонимиз. – «Ҳаётдан тўйган тун» спектаклидаги Баян образини ана шундай ролларим қаторига киритаман. Мен ҳар доим саҳнада шу ролни йиғлаб, чин кўнгилдан ижро этардим. Яъни асар ичига шўнғиб кетардим. Чунки ушбу спектаклда инсон драмаси, унинг ўй-кечинмалари, ҳис-ҳаяжонлар силсиласи, яъни Баяннинг бой ички дунёси, булоқ сувидек мусаффо орзулари, унинг ҳаётни фақат нопокликдан иборат деб билувчи инсонлар билан муросасиз тўқнашувини драматург жуда моҳирлик билан очиб берган. Ўйлайманки, қачон актёр ижро этаётган ролига қалб қўрини, меҳрини берса, образ ҳам шунча ишонарли чиқади ва томошабин хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади. Мен ҳар доим шу ақидага амал қилишга интиламан. Бунинг қанчалик уддасидан чиқаяпман, баҳони томошабинлар беради.

Зуҳра Ашурова оилада суюкли умр йўлдоши, фарзандларининг меҳрибон онажониси. У турмуш ўртоғи Қаҳрамон Ашуров билан икки фарзандни тарбиялаб вояга етказмоқда. Тўнғич қизи Мафтуна Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси. Муслимахон мактабда 7-синфда таҳсил олмоқда. Актриса бўш вақтларида фарзандлари билан мулоқотда бўлишни, улар учун ширин-ширин таомлар тайёрлашни яхши кўради. Чунки ота-она учун фарзандлар қувончига шерик бўлиш, улар билан бир дастурхон атрофида хушнудлик онларини ўтказишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Ҳа, мухлислар қалбига йўл топа олиш осон эмас. Зуҳра Ашуровани эса бу борада омади кулган санъаткор деб бемалол айта оламиз. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, актриса ўз ижодий фаолияти давомида ўнлаб ўзига хос, такрорланмас образлар яратди, ўз ижодий услуби билан мухлислар қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Санъаткорнинг умр мазмуни, бахти ҳам шунда-да.

Гулнора ТУРСУНБОЕВА.
Убайдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ суратга олган.

ОИЛА ГУЛШАНИ

МУҲАББАТ-ЛА БОҒЛАНГАН РИШТА



Инсон бахти оила билан тўкин, оила билан чароғон. Қайси соҳа вакили бўлманг ҳаловат нелигини шу азиз гўшада топасиз. Шу сабаб оила илмининг минг бир қирраси мавжудки, йигит ва қиз янги хонадонга асос солиб бахтли ҳаёт кечиришида бу катта аҳамиятга эга.

Бахтли ҳаёт негизида меҳр ва муҳаббат устувор туриши сир эмас. Зеро эр ва аёл ўртасидаги ўзаро аҳилликда бу туйғунинг ўрни беқиёс.

Намунали ҳарбий оилалар сафида ҳурмат топиб келаётган офицер Музаффар Маҳкамовлар хонадонидамиз. Оила бекаси Оляхон билан суҳбатимиз аввалидаёқ икки ёшнинг тақдири муҳаббат ришталари ила боғланганидан огоҳ бўлдик.

Ўсмирлик чоғлариданоқ офицер бўлишни орзу қилган Музаффар ўрта мактабни тамомлаб, олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топширди. Аммо омад унга кулиб боқмади. Мақсадида қатъий турган инсон ортга чекинмайди одатда. Ҳарбий хизматчи бўлиш учун янада қатъий тайёргарлик кўрган йигит кейинги йили Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти бўлди. Унинг кўнгил қўйгани ҳам бу пайтда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси эди.

– Турмуш ўртоғим билан бир маҳаллада катта бўлганмиз, бир синфда таҳсил олганмиз, – дейди Оляхон майин жилмайиб ўтган кунларни ёдга олар экан. – Кўнгил қўйган инсонига севгиси ҳақида очиқ айтиш шарт эмас, деб ўйлайман. Чунки унинг ҳар бир ҳаракати, муомаласи, нигоҳи кўнгил изҳорини англатиб туради, шубҳасиз. Музаффар ака иккимиз ҳам аввало илм йўлини танладик.

Сўнгра, катталарнинг оқ фотиҳаси билан умр йўлларимиз бирлашди. Ҳозирда уч ўғлимиз бор. Ҳарбий оилалар сафида қаерда истиқомат қилмайлик, ўша ерга меҳр қўйдик, ўз уйимиз, маҳалламизни обод қилишга ҳаракат қилдик. Негаки, инсон ўтган ҳар бир кунини қадрлаб, мазмунли яшашга ҳаракат қилмоғи шарт, деб ўйлайман.

Суҳбатдошимизнинг сўзларида жон бор: одамзод ўтирган гўшасини обод ва нурафшон қилишга қодир. Бу эзгу ҳаракат айниқса, турли гўшаларда истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун муҳим фазилатдир. Қуролли Кучлар хизматчиси Оляхон Жўраева ҳам қисм ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи сифатида ҳарбий оилаларда олиб бораётган фаолиятида бунга алоҳида эътибор қаратаётгани аниқ.

Музаффар эса тарбиявий ишлар органи офицери сифатида посбонларнинг жанговар илмни мукаммал эгаллаш билан бирга, интеллектуал салоҳиятда, маънавиятда устувор бўлишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устоз ҳарбийлардан. Бизнинг мақсадимиз уларнинг оилавий ҳаётини ёритиш экан келинг, суҳбатимизни шу мавзуда давом эттирамиз.

Наманган вилоятининг Поп туманига қарашли Санг қишлоғида вояга етган икки ёшнинг оила қурганига ўн йил бўлаяпти. Айни дамда уч оға-ини ботирлар – Ҳумоюн, Асадбек ва Алибек хонадонининг эркатой ва тиришқоқ фарзандлари. Иккинчи синфда таълим олаётган катта ўғилларию уч ёшли кенжатойга қадар ўқиб-ўрганишга, компьютерда ишлашга, спортга қизиқишлари эътиборимизни тортди.

– Ўғилларимиз мустақил юртга муносиб фарзанд бўлиб улғайишлари учун астойдил ҳаракат қилаяпмиз, – дейди оила бошлиғи шу ҳақда сўз кетар экан. – Шу сабаб уларнинг қизиқишини эътиборга олиб компьютерни ўрганишларига имконият яратдик. Дарсдан бўш пайтлари катта ўғлимиз Ҳумоюн спорт тўгарагига ҳам қатнашади. Аммо айни дамда уларнинг олдида турган асосий масала мактаб дастурини мукаммал эгаллаб бориш. Шунинг учун фақат менинг рухсатим билангина оиламиздаги компьютерда шуғулланишади.

Ҳа, фарзандларимиз эртамиз эгаси, юртимиз истиқболидир. Уларнинг ҳар томонлама етук, зукко бўлиб улғайишида ота-онанинг ўрни беқиёс. Оила даврасидаги суҳбат давомида Музаффарнинг китоб мутолааси ва табиатга, гул ўстиришга бўлган қизиқишидан ҳам воқиф бўлдик. Оляхон эса аёлларга хос бўлган чеварлик ва пазандачиликка меҳри баланд эканлиги эътиборимизни тортди. Бу борада у шу йўналишдаги махсус курсларда ҳам таҳсил олган экан. Агар эътибор берсангиз, намунали оила соҳибларининг бу эзгу ҳаракати сабаб рўзғорда файз ва тароват бўлиши табиий ҳол.

Биз бир-бирига меҳр ва ишончи зиёда офицер Музаффар Маҳкамов ва Қуролли Кучлар хизматчиси Оляхон Жўраевалар хонадони ҳақида қисқача сўз юритдик. Ўйлаймизки, муҳаббат ришталари ила боғланган инсонларнинг умр йўли равон, оилалари эса доимо эл назарида бўлади.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.
Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.

ОИЛА – КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



Чирчиқ гарнизони офицерлар уйида «Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида соғлом маънавий муҳит» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи О. Нодирова, шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш. Ирисметова, Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ходимлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида О. Нодирова сўзга чиқиб, Мудофаа вазирлиги томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар, яратилаётган шарт-шароитлар хусусида атрофлича фикр юритди. Шу билан бирга мазкур йўналишда ҳуқуқий асос бўлаётган «Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан олиб бориладиган ишлар бўлими ва бўлинмалари тўғрисидаги Низом»нинг мазмун-моҳияти, низом талабларини иш жараёнига татбиқ этиш бўйича белгиланган вазифалар хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг Чирчиқ ҳарбий прокурори адлия подполковниги С. Жўраев хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳамда ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган хотин-қизлар ҳуқуқлари ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб ўтди. Ш. Ирисметованинг юртимизда жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, она ва бола репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича белгиланган тадбир ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Учрашув давомида ҳарбий оила бекалари ўзларини қизиқтирган саволларга тадбир меҳмонларидан атрофлича жавоб олдилар.

Шу ўринда Юртбошимизнинг «Аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ва ўрнини кўтариш бизнинг давлатчилигимизнинг устувор ва асосий йўналишларидан биридир», деган сўзлари ёдимизга тушади. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат барпо этишда хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар эса оилалар фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

– Тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш учун давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг оилаларида соғлом маънавий муҳитни яратиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборатдир, – дейди биз билан суҳбатда О. Нодирова. – Зеро, ҳар томонлама тўкис оилаларда маънан баркамол фарзандлар тарбияланади. Ёш авлод эса келажагимиз ворислари. Уларнинг комил инсонлар бўлиб вояга етишлари эса нафақат ота-онанинг, балки жамиятимизнинг ҳам улкан ютуғидир.

Шартнома бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Г. ҲОЖИМУРОДОВА.
Аббос УЛУҒХЎЖАЕВ суратга олган.

ҚАНОТ ЭРУР СИЗГА МАКТАБ



Юртимизда кечаётган изчил ислоҳотлар таълим соҳасини янада ривожлантиришга замин яратмоқда. Янгиланишларни ҳар бир таълим гўшасида кузатиш мумкин. Биз Шаҳноза Иноятова раҳбарлик қилиб келаётган Чилонзор туманидаги 232-сонли умумтаълим мактабида бўлганимизда ҳам мана шундай ижобий ўзгаришларга дуч келдик. Тажрибали ва тиришқоқ ижодкор ўқитувчилар – Мадина Ҳатамова, Азиза Мирсодиқова, Муҳаррам Аҳмедова, Нодира Мираҳмедованинг фаолияти билан яқиндан танишиш давомида ёш авлод келажаги жонкуяр устозлар қўлида эканлигига яна бир карра амин бўлдик...

Айни дамда бундай таълим масканларида бўлсангиз «Саводхонлик байрами»га гувоҳ бўласиз. Бунинг маъноси шуки, яна минглаб ўғил-қизларимиз саводхонлик борасида маълум синовдан ўтишди.

– Декабрь «Бошланғич таълим фани ойлиги» ҳисобланади, – дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича муовини Саноат Шарипова. – Белгиланган режага кўра ойлик давомида очиқ дарслар, тадбирлар, машғулотлар ўтказилади. Таълим-тарбия сифатини ошириш мақсадида дарслар интерфаол тарзда олиб борилмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларига олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар сабоқ беришади. Чунки фарзандларимизнинг илм сирларини эгаллашларида бошланғич таълим катта аҳамиятга эга. Мақсадимиз истиқболимиз эгалари бўлмиш ўғил-қизларимизни мустақил она Ватанимизнинг муносиб ворислари этиб тарбиялаш.

Мактабимизда «Саводхонлик байрами» катта тайёргарлик эвазига қизғин нишонланди. Бунда бошланғич синф ўқитувчилари Барно Арифжонова ва Муҳайё Каримбердиеванинг меҳнатини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мана шу азиз устозлар сабоғини олган ўғил-қизлар «Саводхонлик байрами»да билимдон ва зукко эканликларини намойиш этишди. Устозлари эса уларга қуйидагича тилак билдиришди:

Бу дам қувноқ, чеҳрангизда қуёш кулар,
Бахтга элтар изингизда гуллар унар,
Чунки илм бўстонига мушаррафсиз,
Алифбони эгаллаган ўғил-қизлар.

Сиз жажжилар юрт иқболи эрур асли,
Сиз миллатнинг келажаги – зукко насли,
Сизга қанот эрур мактаб – билим қасри,
Алифбони эгаллаган ўғил-қизлар.

Ота-она фахри бўлинг – дунё назар,
Алифбонинг ҳар ўгити берсин самар,
Ишончимиз оқланг доим қучиб зафар,
Алифбони эгаллаган ўғил-қизлар.

З. НОСИРОВА.

СПОРТ

Муай-тай

АБДУЛЛА ВА ЖОБИР ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Таиландда муай-тай бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон тайбоксчилари 8 та медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи поғонага кўтарилишди. Юртимиз терма жамоасининг умумий муваффақиятига Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари муносиб ҳисса қўшишди, жумладан Абдулла Худойберганов ва Жобир Тошпўлатов жаҳон чемпиони бўлди.



Спортга қизиқиш ёки қизиқмаслигидан қатъи назар қалбида ватанпарварлик туйғуси бўлган ҳар бир киши юртдошининг жаҳон чемпиони бўлганлиги ҳақидаги хабарни эшитгач, албатта, суюнади. Жаҳон чемпиони бир эмас, икки нафарлигини эшитгач эса фахр, ифтихор туйғуси янада жўш уради. Хурсандчилиги аралаш беихтиёр: «Қайси спорт тури бўйича жаҳон чемпиони бўлишибди?!» – дея сўрайди. «Муай-тай бўйича» деган жавоб янграгач эса... ботинида «бу яна қандай спорт тури бўлдийкин?» – деган савол пайдо бўлади, уни тилига кўчиришга эса бирмунча ийманади, чунки ҳамма ҳам ўзини замон билан ҳамнафас одам деб билади. Бу табиий бир ҳоллиги, ахборот асри деб аталмиш янгиликлар, тезкор ўзгаришлар, эврилишлар даврида яшаётганлигимиз эса хаёлига ҳам келмайди. Ваҳоланки, спорт соҳаси вакиллари ва ашаддий спорт мухлисларини ҳисобга олмаганда юртимиздаги аксарият кишилар муай-тай қандай спорт тури эканлигини изоҳлаб беришга қийналишади, гарчи: Таиландда ўтказилган муай-тай бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати дунёнинг 85 мамлакати спортчиларини ўзида жамлай олган бўлсада; вакилларимиз муай-тай бўйича жаҳон чемпионатида илк марта эмас, балки унинг бир нечтасида қатнашиб улгурган бўлса-да; бу галги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида учинчи поғонага кўтарилиб, мазкур спорт тури бошқа мамлакатларга нисбатан бизда янада оммавийлашганлигини халқаро майдонда исботлаб улгурган бўлса-да; қолаверса, эришган ўз ютуқлари орқали спортчиларимиз ёш мамлакатимиз ўғлонлари ҳеч бир жабҳада ҳеч кимдан кам эмаслигини халқаро миқёсда намойиш этишган бўлса-да.

Бундан буёғига эса ҳамюртлари Жобир Тошпўлатов ва Абдулла Худойберганов туфайли бу спорт турини яхши эслаб қолишади. Муай-тай деганда Жобир Тошпўлатов ёки Абдулла Худойбергановни, Жобир Тошпўлатов ёхуд Абдулла Худойберганов деганда эса муай-тайни тушунишади. Чунки улар муай-тай бўйича дунё биринчилигида ғолиб чиқишди – жаҳон чемпиони бўлишди ва шу орқали дунёга бўй чўзаётган жонажон Ватани – Ўзбекистон довруғини яна бир бор оламга ёйишди.

Муай-тай бизнинг миллий курашимиз каби дунё халқлари, спорт жамоатчилиги учун янги спорт тури. «Муай-тай» таиландча сўз бўлиб, «таиландча бокс» деган маънони англатади ва у «тайбокс» деб ҳам юритилади. Ҳаваскор боксдан фарқли жиҳати муай-тайда спортчилар рақибига нисбатан оёқ зарбаларини ҳам қўллаши мумкин. МҲСКнинг икки нафар вакили – Абдулла Худойберганов (60 кг.) ва Жобир Тошпўлатов (мутлақ вазнда) Олимпиада ўйинлари дастурига киритилиш эҳтимоли бўлган ана шу спорт тури бўйича жаҳон биринчилигида зафар қозонишди, яна икки нафари эса кумуш медални қўлга киритди. Ғулом Халилов 48 кг. вазн тоифасида, Жавлон Назаров 86 кг. вазнлилар ўртасидаги баҳсларда финалгача етиб келди, фақат сўнгги учрашувда бу армиячилардан омад юз ўгирди.

– Жаҳон чемпионатида, айниқса, Жобир Тошпўлатовнинг ғолиб бўлганлигидан жуда қувондим, – дейди Марказий ҳарбий спорт клубининг муай-тай бўйича мураббийи Хуршид Эшонхўжаев. – Биринчидан у менинг энг яхши кўрган шогирдларимдан бири. Иккинчидан, бокс, кураш, дзюдо каби асосини яккама-якка жанг ва беллашувлар ташкил этувчи спорт турларининг барчасида кенг жамоатчилик ва мухлислар эътибори биринчи навбатда энг оғир вазнлилар ўртасидаги баҳсларга қаратилади. Бундан тайбокс жанглари ҳам мустасно эмас. Жобир жаҳон чемпионатида айнан катта аудитория диққат марказида бўлган вазнлилар ўртасидаги баҳсларда қатнашиб, юртимиз спорт шарафини ҳимоя қилди ва зиммасидаги вазифани аъло даражада, қойилмақом қилиб уддалади. Бундай дейишимга сабаб, боксда бўлгани каби муай-тайда ҳам нокаут ҳолати енгил ва ўрта вазнлилар ўртасида кўпроқ содир бўладиган, мутлақ вазнлилар ўртасидаги баҳсларда эса бирмунча камроқ учрайдиган ҳодиса ҳисобланади. Мутахассислару мухлислар ҳамда жаҳон чемпионатига жалб этилган оммавий спорт нашрлари ходимларининг диққат-эътиборида бўлган мутлақ вазнлилар ўртасидаги жангларда қатнашган спортчимиз барча ғалабаларига рақибларини нокаутга учратган ҳолда эришдики, бу албатта спортсевар юртдошларимизни тўлқинлантиради! Боз устига шогирдим ҳали жуда ёш, эндигина 18 ёшни қоралади. Демакки, ундан келгусида Ўзбекистонимиз довруғини оламга ёйишга хизмат қилувчи яна кўплаб ютуқларни кутиб қолишга ҳақлимиз. Марказий ҳарбий спорт клубида тайбокс билан шуғулланаётган бундай иқтидор соҳибларининг сафи кенг. Клубимизда яратилган қулай шарт-шароитлар уларнинг баркамол вояга етишишига хизмат қилмоқда. Хусусан, Ойбек Тошхўжаев, Даврон Эшонхўжаев, Жавлон Назаров каби спортчиларимизнинг келажагига ҳам катта умид кўзи билан қараш мумкин. Дарвоқе, Ойбек Тошхўжаев шу йил апрель ойида Таиландда ўтказилган ёшлар ўртасидаги дунё биринчилигида олтин медални қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлган эди. Шу ўринда МҲСКга маҳоратли спортчиларни тарбиялаб беришда биз билан ҳамкорлик қилаётган мураббийлар – Раҳматжон Рўзиохунов ва Камолиддин Муталовга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.



Замирбек Қосимбеков бош мураббийлигидаги терма жамоамиз жаҳон чемпионатида 2 та олтин, 3 та кумуш ва 3 та бронза медалларни қўлга киритишди. Шундан иккитадан олтин ва кумуш медаллар МҲСК вакилларига тегишли бўлганлигини юқорида айтиб ўтдик. Шунингдек, юртимиз терма жамоаси аъзоларидан Шаҳбоз Азимов 75 кг. вазн тоифасидаги баҳсларда кумуш медалга сазовор бўлди. Спортчиларимиздан Дамир Ҳамидов (67 кг.), Ҳусниддин Маҳмудов (71 кг.) ва Юсуф Иброҳимов (91 кг.) ўз вазн тоифасида ярим финалгача муваффақиятли жанг қилиб, жаҳон чемпионати шоҳсупасининг учинчи поғонасига кўтарилишди ва бронза медали билан тақдирланишди. Барча тайбоксчиларимизни ажойиб муваффақиятлари билан табриклаймиз.

Майор Расул ЖУМАЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Фестиваль боевых искусств

НАЗВАНЫ ЛУЧШИЕ ЕДИНОБОРЦЫ ГОДА

Очередной V Ташкентский международный фестиваль восточных единоборств и боевых искусств, проведенный на днях под сводами Юнусабадского спорткомплекса «Узбекистан», запомнится зрителям как яркое, феерическое действие.

Программа фестиваля порадовала насыщенностью и разнообразием. В нем приняли участие инструментальная группа «Келажак овози», очаровательные девушки театра танца «Офарин», ансамбль дойристов «Дильшод» и многие другие звезды отечественной эстрады.

Фестиваль начался после торжественного зажжения огня, почетное право которого было предоставлено двукратному чемпиону Азиатских Игр и чемпиону мира по муай-таю Мавлонбеку Каххарову. В своем вступительном слове доктор философии единоборств, председатель Центра развития восточных единоборств и боевых искусств Республики Узбекистан А. Насыров подвел спортивные итоги уходящего года.

Главное событие фестиваля – награждение лучших спортсменов-единоборцев и спортивных организаций теперь уже по шести номинациям, по итогам спортивного сезона 2009 года. В первой номинации – «Лучший спортсмен года», на это звание претендовали немало атлетов. Лучшим был назван Шухрат Миноваров – мастер спорта по рукопашному бою. С 7 лет занимается он боевыми искусствами. В победном списке Шухрата множество международных турниров и чемпионатов. В 2005 году он завоевал титул чемпиона мира по кикбоксингу. В 2007 году вновь подтвердил свой высокий класс, став чемпионом мира уже по рукопашному бою.

В номинации «Лучшая спортсменка года» престижный титул завоевала София Каспулатова – заслуженный мастер спорта Узбекистана, бронзовый призер чемпионата мира, призер I Азиатских игр по боевым искусствам (Бангкок-2009).

«Лучшим тренером года» стал старший тренер сборной Узбекистана по кикбоксингу Атхам Рашидов. Тренер и наставник целой плеяды чемпионов мира и Азии Атхам Рашидов занимается боевыми искусствами с 1984 года. С 1996 года он старший тренер по рукопашному бою спортивного общества «Динамо». С 2007 года работает и старшим тренером по кикбоксингу. Наставник чемпиона мира и Азии по кикбоксингу Бахтиера Ахмедова, двукратного чемпиона Азии Аслиддина Мусаева, двукратного чемпиона мира Ахмеда Алимбекова и многих других.

Победителя в номинации «Лучшая федерация года» определили по таким критериям, как высокие спортивные результаты спортсменов, инициативность работников федерации, творческий подход к делу. И все эти качества в полной мере характеризуют Федерацию муай-тая Узбекистана. В 2009 году Федерация муай-тая продолжила свои замечательные победные традиции. На чемпионате мира среди молодежи Ойбек Тошхужаев завоевал золото, а Шохрух Жураев и Хуршид Эшанходжаев – бронза. Первые Азиатские игры по боевым видам спорта ознаменовались громкой золотой победой Мавлонбека Каххарова, а его партнеры по команде принесли сборной еще две бронзовые медали. Муай-тайцы Узбекистана сегодня среди лидеров Азиатского континента.

В номинации «Лучшее событие года» победил чемпионат Азии по рукопашному бою, который проходил с 10 по 15 ноября в г. Карши. В состязании приняли участие представители десяти государств, среди которых были сильнейшие сборные США, Таиланда, Японии и других. Гости турнира высоко оценили уровень организации соревнования и радушие узбекского народа.

И, наконец, во впервые учрежденной номинации – «Лучший областной филиал Центра восточных единоборств и боевых искусств» за большую самоотверженную работу лучшим признаны филиал Сырдарьинской области.

Филиалы Центра восточных единоборств существуют во всех областях Узбекистана и Республике Каракалпакстан. Ими проводится большая работа по популяризации боевых искусств на местах, привлечение молодежи к здоровому образу жизни. Филиал Сырдарьинской области за короткий срок существования провел три фестиваля боевых искусств и ряд соревнований, что позволило отметить филиал как самый активный и достойный награды.

Завершили фестиваль яркие показательные выступления. В этом году любителей и поклонников восточных единоборств порадовало выступление гостей из Южной Кореи. Спортсмены «Хайдонг Гумбо» поразили искушенную ташкентскую публику искусным разрезанием и разрубанием предметов, невиданными комплексами упражнений и костюмами, не раз вызвав овации зрителей, до отказа заполнивших спорткомплекс «Узбекистан». Не менее впечатляющими и красочными были выступления представителей федераций узбек жанг санъати, ушу, пенчак силат, кураш и кендо.

V Ташкентский международный фестиваль восточных единоборств и боевых искусств с каждым годом становится все популярнее. Это яркое, ожидаемое спортивное событие года является не только смотром итогов спортивной жизни года, но и действенной акций пропаганды здорового образа жизни среди молодежи.

Евгения БАЛТАЕВА.

СПОРТ

Бокс

ОРЗУБЕК МУРАББИЙЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАДИ

Боку шаҳрида ҳар йили ўтказиб келинадиган Халқаро бокс федерацияси (AIBA) президенти кубоги учун анъанавий халқаро турнирда юртимиз спорт шарафини Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК) вакиллари ҳимоя қилишди. 11 та вазн тоифаси бўйича баҳсларнинг фақат бештасида қатнашган боксчиларимиз халқаро турнирнинг биттадан олтин ва бронза медалларини қўлга киритишди.



Халқаро бокс федерацияси президенти кубоги учун ўтказиладиган халқаро турнир нуфузи жиҳатидан жаҳон чемпионатидан кейинги ўринда турувчи йирик мусобақа ҳисобланади. Унда барча қитъанинг кучли боксчилари иштирок этишади. Бу йилги турнир ҳам дунёнинг 17 ёшдан 34 ёшгача бўлган кучли боксчиларини ўзида жамлай олди. Фақат жаҳон боксида катта нуфузга эга бўлган юртимиз вакиллари бу сафар тўлиқ таркибда турнирда иштирок этмади.

– Терма жамоамиз негизини МҲСК боксчилари ташкил этади, – дейди Марказий ҳарбий спорт клуби офицери, таниқли боксчи капитан Фарҳод Бакиров. – Айни кунда клубимиз ҳар бир вазн тоифаси бўйича уч, тўрт нафардан кучли боксчиларга эга ва уларнинг ҳар қайсиси халқаро даражадаги мусобақаларда юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишлари мумкин. Буни бу йилги Боку турнири ҳам кўрсатди. Мусобақалар олдидан мураббийлар терма жамоамизнинг иккинчи ва учинчи таркиб боксчиларига имкон бериш ва уларни Халқаро бокс федерацияси президенти кубоги учун баҳсларда синаб кўришга қарор қилишган эди. Кўриб турганингиздек улар мураббийлар ишончини оқлашга муваффақ бўлишди. Бокуга йўл олган бор-йўғи беш нафар боксчимиздан икки нафари совриндор бўлиб қайтди. Бу, аввало, клубимизда боксни янада ривожлантириш бўйича ишлар тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат берса, иккинчи томондан боксчиларимиз ўртасидаги соғлом рақобатни янада кучайтиради. Бизнинг вазифамиз ана шу рақобатни мақсад сари тўғри йўналтириш, яъни клубимиз ва терма жамоамиз муваффақиятларига хизмат қилдириш.

Бокуга Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари – Орзубек Шоимов (54 кг.), кичик сержант Хуршид Тожибоев (57 кг.), Ботиржон Маҳмудов (69 кг.), Рамзиддин Аҳмедов (91 кг.) ва Сардор Абдуллаев (+ 91 кг.) йўл олишганди. Биринчи кунги ринг жанглари боксчиларимиз учун омадли бўлмади. 57 кг. вазн тоифасида рингга чиққан кичик сержант Хуршид Тожибоев турнир мезбонлари вакили Элшод Исмоиловга имкониятни бой бериб қўйди. Миланда ўтказилган жаҳон чемпионатининг бронза медали соҳиби Ботиржон Маҳмудовнинг франциялик Шижер Жауга ютқизиши эса бокс мутахассислари учун ҳам кутилмаган ҳол бўлди. Боз устига ўтган йили ҳарбий хизматчилар ўртасида мутлақ вазнда жаҳон чемпиони бўлган боксчимиз Сардор Абдуллаев украиналик Роман Капитоненкони мағлуб этолмади. Натижада биринчи кунданоқ уч нафар боксчимиз Халқаро бокс федерацияси президенти кубоги учун баҳслардан чиқишга мажбур бўлди.

Кичик сержант Тўлашбой Дониёров 54 кг. вазн тоифасида юртимиз терма жамоасининг биринчи рақамли боксчиси саналади. Мураббийлар бу сафар Тўлашбойга дам бериб, Бокуда унинг рақобатдоши Орзубек Шоимовни синаб кўришга қарор қилишган эди. Аксига олиб Орзубек ҳам дастлабки кунги баҳсда ишончсиз жанг қилди. Унинг озарбайжонлик Самир Мамедовга қарши баҳсида 4:4 ҳисоби қайд этилди. Ҳакамлар қарорига кўра ғалаба ҳамюртимизга берилди. Биринчи куни фақат Рамзиддин Аҳмедов бокс мухлисларимиз ишончини қозониб, хурсанд этди. Мураббийлар Рамзжон деб чақирадиган 91 кг. вазнли боксчимиз Гана вакили Йекен Авусонни 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Бу икки боксчимиз кейинги босқичдаги баҳсларни ҳам муваффақиятли олиб борди. Рамзиддин Аҳмедов ярим финалда Европа-1 жамоаси вакили украиналик Александр Усюкка имкониятни бой бериб, турнирнинг бронза медали билан кифояланди. Биринчи кунги баҳсдан тўғри хулоса чиқарган Орзубек Шоимов эса Халқаро бокс федерацияси президенти кубоги учун охиригача курашди. У финалда Европа-2 жамоаси вакили Жон Жой Невинга қарши жанг қилди ва 7:3 ҳисобида ғалаба қозониб, халқаро турнирнинг олтин медалини қўлга киритди.

Р. ЭРМУҲАММАД.

Таэквандо

ЁШ ИҚТИДОРЛАР БАҲСИ

Пойтахтимизда ўсмирлар ўртасида таэквандо бўйича Марказий ҳарбий спорт клуби очиқ чемпионати ўтказилди. Биринчиликда армиячилардан ташқари мамлакатимизда фаолият олиб бораётган таэквандо клублари вакиллари ҳам иштирок этди.



Аввало шуни таъкидлаш жонизки, очиқ чемпионат юртимизда таэквандо тобора оммавийлашиб бораётганлигини ва мамлакатимизда бу спорт тури бўйича кўплаб иқтидорли ёшлар камол топаётганлигини кўрсатди. Таэквандо мутахассислари ва мураббийлар бундай биринчиликлар жуда зарурлигини ва улар ёшларимизнинг профессионал спортчи бўлиб камол топишига хизмат қилишини таъкидлашди.

Очиқ чемпионатда Марказий ҳарбий спорт клуби вакиллари ҳам муносиб қатнашишди ва биринчиликнинг тўртта медалини қўлга киритишди. Хусусан, Шамзиддин Зукиров очиқ биринчиликнинг бронза медалига сазовор бўлди.

Энди 16 ёшни қоралаган бўлишига қарамай таэвандо бўйича спорт усталигига номзодлик меъёрини бажариб улгурган Евгений Ногай яна бир бор тенгқурлари орасида тенгсизлигини намойиш этди – ўз вазн тоифасида очиқ чемпионат ғолиби бўлди. МҲСКнинг умидли ёшлари – Ришад Аҳмад ва Жасур Тувалов ҳам ўз вазн тоифаси бўйича баҳсларда Евгений Ногайнинг муваффақиятини такрорлашди ва клуб таэквандочилари томонидан биринчиликда қўлга киритилган олтин медалларни учтага етказишди.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА.

ҚАЙДНОМА

КАРАТЭ. Италиянинг Удине шаҳрида ўтказилган клублар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатида дунёнинг 40 та мамлакатидан 85 та клуб, 1500 нафардан ортиқ спортчилар қатнашди. Ўзбекистон каратэ федерацияси терма жамоаси аъзолари дунё биринчилигининг 6 та олтин, 3 та кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлишди ва вакилларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Мезбонлар иккинчи, Япония терма жамоаси учинчи поғонага кўтарилди.

ДЗЮДО. Япониянинг Токио шаҳрида дзюдо бўйича «Катта шлем» туркумига кирувчи халқаро турнир ўтказилди. Жаҳон рейтингида мутлақ вазн тоифасида иккинчи ўринни эгаллаб турган полвонимиз Абдулла Тангриев бронза медални қўлга киритди. Финалда японияликлар – Казухико Такахаси ва Кедзи Сузуки беллашиб, биринчи ва иккинчи ўринларни ўзаро баҳам кўришди. Яна бир вакилимиз Дилшод Чориев (90 кг.) ярим финалда япониялик Дайки Насиямага ютқазиб қўйди ва у ҳам «Катта шлем» турнирининг бронза медали билан кифояланди. Бу вазн тоифасида ғолиблик япониялик Такаси Онога насиб этди.

ФУТБОЛ. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси (U-19) Эронда ўтказилган Осиё чемпионатининг саралаш босқич беллашувларини муваффақиятли якунлади. «Д» гуруҳидан қитъа чемпионатининг финал босқичига бериладиган иккита йўлланмадан бирини қўлга киритиш учун ёшларимиз Эрон ва Покистон ёшлар терма жамоаларига қарши майдонга чиқишди. Аслида бу гуруҳдан олтита жамоа ўрин олган ва баҳслар бундан бир ой муқаддам Покистонда ўтказилиши режалаштирилганди. Айрим сабабларга кўра баҳсларнинг ўтказилиш жойи ва вақти ўзгартирилди, бу орада Туркманистон, Ливан ҳамда Мальдив ороллари ёшлар терма жамоалари ҳам баҳсларда қатнашишдан бош тортишди, натижада гуруҳда уч жамоа қолди. Дастлабки учрашувда эронликлар Покистон ёшлар терма жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратгач, ёшларимиз олдидаги вазифа янада аниқлашди. Улар покистонликлар билан ўйинда қандай ҳисобда ғалаба қозонишмасин финал босқичга бериладиган йўлланма соҳибига айланишарди. Вакилларимиз бу вазифани ортиғи билан уддалашди. Дастлаб Покистон ёшлар терма жамоаси 5:0 ҳисобида мағлуб этилди. Эронликлар билан кечган учрашувда эса 1:1 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. Бу Марат Кабаев мураббийлик қилаётган ёшлар терма жамоамизнинг гуруҳда биринчи ўринни эгаллашларини таъминлади.

ФИГУРАЛИ УЧИШ. Будапештда ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги «Santa Claus Cup – 2009» халқаро турнирида вакилларимиз муваффақиятли қатнашишди. Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қилган Мария Попова ва Виктор Коваленко дуэти халқаро турнирнинг бронза медалини қўлга киритди.

ЎЗБЕК ЖАНГ САНЪАТИ. Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида Бутунжаҳон жанг санъатлари уюшмасининг (World Martial Arts Union) навбатдаги ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда 25 мамлакат вакиллари иштирок этди. Ассамблеяда янги спорт тури – «ўзбек жанг санъати»нинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Ассамблея қатнашчиларига Ўзбек жанг санъати федерацияси ташкил этилгани, амалга оширилган ишлар ва келгуси фаолияти ҳақида ахборот берилди, видеолавҳалар намойиш этилди. Натижада халқаро уюшма ижроия қўмитаси аъзоларининг овоз бериш йўли билан Ўзбек жанг санъати федерацияси Бутунжаҳон жанг санъатлари уюшмаси таркибига киритилди.

СТОЛ ТЕННИСИ. Қирғизистонда ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтказилди. Унда 50 нафардан ортиқ ёш иқтидор соҳиблари иштирок этди. Яккаликлар баҳсида ҳамюртимиз Ихтиёр Муҳаммаджонов асосий рақиблари ҳисобланган қозоғистонлик Каир Букушев ва қирғизистонлик Жандос Ориповни мағлуб этиб, биринчи ўринни эгаллади. Ёшларимиз умумжамоа ҳисобида ҳам турнир ғолиби бўлишди.

БАДИИЙ ГИМНАСТИКА. Германияда ўтказилган халқаро турнирда юртимизнинг ёш гимнастикачилари иштирок этди. Ольга Кирьякова, Вероника Бугай, Замира Санақулова, Замира Қурбонова, Луиза Ганиевадан иборат жамоамиз гуруҳ баҳсларида Озарбайжон ва Россия вакилларини ортда қолдириб, биринчи поғонага кўтарилди. Ўн ёшли Жасмин Юсупова кўпкураш мусобақаларида ғолиб чиқди. Сарвина Халиқова эса ўз тенгқурлари ўртасидаги баҳсларда иккинчи ўринни эгаллади.

МАДАНИЯТ

ЯНГИ ЙИЛНИ КИМ ҚАНДАЙ КУТИБ ОЛАДИ

Мана, 2009 йил ҳам охирлаб қолди. Ҳадемай янги 2010 йил эшик қоқиб келади. Юртдошларимиз аллақачон шодиёнага ҳозирликни бошлаб юборишган. Хонадонларда арчалар безатилган, деворлар ҳамда уйнинг шифтларига зар қоғозлар, шакллар осилган. Хуллас, катталардан тортиб болажонларгача мазкур байрамни кўтаринкилик билан қаршилашга, ўтказишга ҳаракат қилишаётир.

Шу ўринда савол туғилади: дунёнинг бошқа мамлакатларида янги йил қандай нишонланаркан? Қуйида шу ҳақда қисқача маълумот берамиз.

АВСТРАЛИЯ аҳолиси янги йилни 1 январь куни нишонлайди. Яшил қитъа Жанубий ярим шарда жойлашганлиги учун бу вақтда мамлакатда ҳарорат 40 даражадан паст бўлмайди. Шу боис оппоқ соқолли қорбобо ва гўзал қорқиз – биз ўрганганимиз каби махсус қишки либосда эмас, балки иқлимга мос кийимда бўлишади.

БИРМА халқи янги йилни баҳорнинг энг сўлим ойи бўлмиш апрелда нишонлайди. Анъанага мувофиқ ҳафта давомида барча фуқаролар бир-бирига сув сепиши керак. Чунки янги йил билан бирга сув фестивали – тинджан ҳам келар экан.

ЭРОН халқи янги йил байрамини баҳорги тенгкунлик – 21 март, яъни Наврўз куни нишонлайди. Бу анъана қадим-қадим замонлардан Осиёнинг кўпгина ҳудудларида мавжуд бўлган.

ЯПОНИЯда янги йил байрами 1 февраль куни эрта саҳарда нишонланади. Барча фуқаролар хўроз қичқирмасданоқ кўчаларда тўпланиб, уфқда офтоб кўринишини кутадилар. Қуёшнинг илк нурлари ерга тушиши билан японияликлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, совға улашишади. Анъанага асосан, кунчиқар юрт фуқаролари янги йил кечасини оила аъзолари даврасида ўтказиши лозим.

ЧЕХИЯ ВА СЛОВАКИЯ қизлари бу байрамни интиқлик билан кутишади. Сабаби айнан янги йил арафасида уларнинг келгуси йилда турмушга чиқиш-чиқмасликлари ҳал бўлади. Қандай қилиб дейсизми?! Оддийгина шиппак ёрдамида. Турмушга чиқмаган қизлар уйда кийиладиган шиппакни боши узра эшик томон улоқтириши лозим. Агар шиппак учи билан эшикка қараб тушса – тўй ҳаракатига тушадилар. Мабодо акси бўлса, яна бир йил кутадилар. Бу қараш нечоғли асосга эга, билмадик-куя, лекин чехлар ҳамда словаклар бунга ниҳоятда ишонадилар.

ИРЛАНДИЯ. Янги йилдан бир кун олдин Ирландияга бориб қолсангиз, кўча-кўйда барча хонадон эшикларининг очиқлигини кўриб, ҳайратга тушасиз. Ҳатто, бемалол улардан бирининг эшигини қоқиб, меҳмон бўлишингиз мумкин, хонадон соҳиблари сизни хурсандчилик билан қарши оладилар. Чунки юз йиллардан буён мавжуд анъанага кўра янги йил арафасида ирландияликлар ҳар қандай нотаниш меҳмонни иззат-икром билан кутиб олишлари, қорнини тўйдиришлари, керак бўлса, тунаш учун жой ҳам ҳозирлашлари шарт.

ЧУКОТКАда байрам ўзига хос тарзда қарши олинади. Янги йилни нишонлаш учун кимдир апрелни, бошқа биров октябрь ёки ноябрни, яна кимдир январь, декабрь ойларини кутишга мажбур.

Чукоткада яшайдиган эскимослар учун кун санашнинг ҳожати йўқ. Чунки улар учун биринчи қор ёққан кун – Янги йил ҳисобланади.

Жасур НИЁЗОВ.

ВНИМАНИЕ, КОНКУРС!

18-ЛЕТИЮ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН



В соответствии с планом по подготовке и празднованию 18-й годовщины Вооруженных Сил Республики Узбекистан в выставочном зале Центрального Дома офицеров Вооруженных Сил 9 января 2010 года открывается IX Всеармейская выставка художественного творчества военнослужащих, членов их семей, ветеранов Вооруженных Сил, учителей-воспитателей, учеников школ и воспитанников дошкольных образовательных учреждений Министерства обороны.

На выставке художественного творчества представлены живописные работы (тематические и жанровые), портреты, пейзажи, натюрморты, рисунки, графика, изделия народно-прикладного искусства, керамика, резьба по дереву, ганч, чеканка, ткачество, художественная вышивка, ювелирные работы.

Победителям и призерам выставки будут вручены дипломы и денежные премии.



ВНИМАНИЮ КОМАНДИРОВ, ИХ ЗАМЕСТИТЕЛЕЙ ПО ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЕ И ПРЕДСЕДАТЕЛЕЙ ЖЕНСОВЕТОВ!

Творческие работы с анкетами авторов следует направить до 5 января 2010 года в Центральный Дом офицеров Вооруженных Сил Республики Узбекистан.



2010 ЙИЛ – ЙЎЛБАРС ЙИЛИ

Мунажжимларнинг башорат қилишларича, бутун коинотда катта ўзгаришлар даври бошланяпти. Кириб келаётган Йўлбарс йили агар инсон 2010 йилнинг янги чақириқлари олдида ўзини йўқотиб қўймаса, йўл қўйилган хатолар устида дадил ва режали иш олиб борса, қатъий мақсадларни белгилаб олса ва улар сари мардонавор ҳаракат қилса кўплаб эзгуликлар ва фаровонлик туҳфа этади. Курраи заминимизда ҳам оламшумул янгиланишлар юз беради. Йўлбарс жасур ва такаббур, бироқ у нималарга эга бўлса, барчасини ўз меҳнати орқали, оғриқ ва чарчоқни ирода кучи билан енгган ҳолда қўлга киритган. Йўлбарс доимо олға интилади – фақат шундай бўлибгина 2010 йилда ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиш ҳамда муваффақиятларга эришиш мумкин.

2010 йилда содир бўладиган воқеалар кутилмаган ҳодисаларга айланмайди, чунки уларнинг катта қисми 2009 ва ҳатто 2008 йилларда юз берган воқеаларнинг давоми бўлади. Айнан шу йилларда бошланган кенг кўламли ўзгаришлар Йўлбарс йилида ўзининг мантиқий якунига келади. 2010 йил, албатта, бу жараённи тўхтатиб қўймайди, аммо инсон ҳаётининг келажак 10–15 йилини белгилаб беради. Бошқача айтганда, Йўлбарс йилида инсон ҳаётида содир бўладиган барча воқеалар унинг яқин келажак даврдаги тақдирини белгилаб беради. 2010 йилнинг тилсими кумуш бўлиб, бу ранг барча ишларда омад келтиради. Йўлбарс йили Шарқ тақвими бўйича От, Ит, Йўлбарс, Балиқ, Сигир ва Қўй буржлари соҳиблари учун омадли келади.

Йўлбарс йилида оилавий ҳаётда осойишталик, барқарорлик, фаровонлик ҳукм суради. Юз берадиган ўзгаришлар кескинлиги ва ижобийлиги билан ажралиб туради. 2010 йил – Йўлбарс йили катта ўзгаришлар, буюк ишлар арафаси, муқаддимаси. Шундай экан, куч ва салоҳиятингиз, билим ва имкониятларингизни ана шу ишларга ҳисса қўшишга сарфланг.

● **Йўлбарс – мушуксимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон бўлиб, шу оиланинг энг йирик вакилидир. Унинг танаси узунлиги 160–290 см (баъзида 3 метрдан ортиқ), думи 115 см.гача, вазни 390 кг.гача бўлиб, бир ўтиришда 27,5 кг.гача гўшт ейиши мумкин.**

Газетанинг кейинги сони 2010 йил 2 январда чиқади.

ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник А. УСМОНОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. КАМАЛОВ, капитан Т. ЖУМАНАЗАРОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Таҳририят манзили: 100140, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилади. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Рустам НОДИРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ.

Телефонлар: навбатчи – 260 39 57; Факс: 260 39 45.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Исламов ва З. Хонимов томонидан саҳифаланди.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 23500.
Нашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № 1-86-76.